Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 26-mart, chorshanba № 25 (8674)

Боқий фикр

Наврўз — энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамимиздир.

Ислом КАРИМОВ

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда Қарши давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Қарши давлат университети профессори Ш.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида таълим тизмини тубдан ислоҳ қилиш, фарзандларимизнинг замонавий шароитларда таълим-тарбия олиши, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этишига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Ta'lim va taraqqiyot

(Давоми 2-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилади. Уларга ўзининг меҳри ва ишончини билдириб, ҳар томонлама баркамол, фидойи ва ватанпарвар бўлишга ундайди.

ЎЗ ОЛДИГА ЮКСАК МАРРАЛАР ҚЎЙГАН ЁШЛАР

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Юртбошимиз ёшлар масаласига яна бир бор эътибор қаратиб, «...ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз», дея таъкидлади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин атиги икки ой ўтиб, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАМҒАРМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

2002—2013 йиллар мобайнида жамғарма ҳомийлик маблағлари эвазига 231 нафар бола Германияда даволаниб қайтди. Соғломлаштирилган бу болалар ўз отаонаси бағрида баҳор байрами — Наврўзни қарши олмоқда.

5-бет

МУРҒАК ҚАЛБЛАРДА НАВРЎЗ СЕҲРИ

Барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида Наврўз байрами кенг нишонланди. Байрам баҳонасида ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, улар байрам дастурхонига таклиф этилди.

9-бет

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЛАР — МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

Миллий ўйинларимиз болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини бойитади. Улар минг йиллар давомида ота-боболаримизни абжир, чидамли, иродали, довюрак қилиб тарбиялаган.

11-бет

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

катта ютуқ ва оламшумул ихтироларга доя бўлажак

Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетига олдин борганмисиз? Бугун кўрсангиз, уни танимай қоласиз. Тўлиқ таъмирлангандан кейин ўқув биноси кўркам қиёфа касб этди, ичкаридаги шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнайди. Кеча ана шундай кўтаринки кайфият бинонинг очилиш маросими иштирокчилари — университет раҳбарияти, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, факультет жамоаси ва талабалар юзида зоҳир бўлди. Кенгайтирилган «Биологлар боғи», янги «Агроэкобиотехнология маркази» ҳамда «Ген муҳандислигининг замонавий услублари мажмуаси» ташкил этилгани тантанали тадбирнинг аҳамиятини яна бир карра оширди.

Qaror va ijro

— Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди биология-тупроқшунослик факультети декани Атаназар Раҳимов. — Жумладан, олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимини модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш ҳамда мавжуд илмий салоҳиятни юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

ЎЗ ОЛДИГА ЮКСАК МАРРАЛАР ҚЎЙГАН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўша пайтда кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммолар мавжудлигига қарамай, бу масалага биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Мустақиллик йилларида туғилиб, камолга етган ёшлар етакчи куч бўлиб ҳаётга кириб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва йигирмадан ортиқ қонунда ёшлар масаласи ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда. Ҳар йилга муайян ном берилиши муносабати билан қабул қилинаётган давлат дастурлари самарасида ёшларнинг ҳаётий муҳим масалалари ҳал этилмоқда. Ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси ва бошқа стипендиялар иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ёш спортчиларни камолга етказиш мақсадида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг нафақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, балки маънавий тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар миллий ўзлигимиз, бой маънавий қадриятларимиз асосида тарбияланаётир.

...Яқинда интернетда шундай маълумотга дуч келдим: бугун Европада ҳар икки никоҳдан биттаси бекор бўлаётган экан. Бунинг сабаби ёшлар ўртасидаги ахлоқсизлик, уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, масъулият ва қийинчиликларга чидамсизлиги экани қайд этилган. Атиги ўн йил илгари ушбу кўрсаткич ҳар учтадан бирига тўғри келгани ҳисобга олинса, бу жараён қанчалик тезлашиб бораётгани яққол намоён бўлади.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ ва Европа мамлакатларида рўй берган жинсий эркинликни тарғиб қилишга қаратилган "инқилоб" одамларнинг турмуш тарзини, маънавий-маданий қадриятларни кескин ўзгартириб юборди. Ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик, тийиқсизлик оддий ҳолга айланди. Кайфу сафо, енгил-елпи ҳаётга ўрганган ёшлар ўқиш, ишлаш, фарзанд тарбиялашга ортиқча ташвиш, деб қарайдиган бўлди.

Бу иллатлар таъсирида бугунги кунда кўплаб тараққий этган давлатларда оила институти емирилиб бораётгани сир эмас. Туғилиш даражаси йилдан-йилга камайиб, меҳнатга лаёқатли кишилар билан аҳолининг бошқа қатламлари ўртасида жуда катта тафовут пайдо бўлмоқда. Бу пенсия таъминоти, солиқ сиёсати, эмиграция оқими билан боғлиқ бир талай ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқараётир.

Жаҳон ёшлари орасидаги яна бир муаммо ишсизликдир. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, ёшлар ўртасида ишсизлик йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Европадаги айрим мамлакатларда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 60 фоизга етган...

Бугун жаҳонда кузатилаётган бундай хавотирли ҳолатлар қиёсида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати нақадар тўғри ва асосли эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизими изчил ривожлантирилиб, ёшларимизнинг замонавий асосда билим олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ёшлар ўрта махсус таълим тизимига, коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

2013 йилда касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Ўз хусусий бизнесини очиб, шу соҳа билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ёшларнинг маиший шарт-шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қуватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга катта мадад бўлмоқда. Ҳар йили ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига миллиард-миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, янги уйлар фойдаланишга топширилмоқда. Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар тураржой билан таъминланиб, уларнинг оила қуриб, ҳаётда ўз йўлини топишига катта кўмак берилаётир. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар оилалар, жумладан, ёшларнинг турмуш шароитини, дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифалар белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаб, орзу-интилишларини рўёбга чиқаради.

Йиллар ўтгани, жамият ривожлангани сари ёшлар ҳам ўзгариб бораверади. Доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар жамиятнинг ишончи ва таянчига айланади.

Ўзбекистон ана шундай мустаҳкам таянчга эга мамлакат. Унинг барча бойликларидан-да қадрлироқ хазинаси — юксак маънавиятли ва салоҳиятли ёшлари ҳамда уларни менинг фарзандларим деб эъзозлайдиган, мунтазам ғамхўрлик қиладиган Президенти бор.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янги бинода барча қулайликлар яратилган, ҳар бири 100 ўринли 4 маърузалар зали, бир неча ўқув ва лаборатория хоналари, кутубхона ва тиббиёт пункти бор.

— Университетимизнинг янги биноси мамлакатимизда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер ускуналари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир, — дейди университет ректори Л.Ёзиев.

Бугунги кунда университетда 27 таълим йўналиши бўйича бакалавр ва 11 мутахассислик бўйича магистр, жами беш минг беш юздан ортиқ талабага 500 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Жорий йилда университетнинг 300 ўринли ахборот-ресурс маркази қурилиши ҳамда иккита талабалар тураржойида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ҳ.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Bilimlar bellashuvi

Мактаб ўқувчилари орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган билимлар беллашувининг 3-босқичи барча вилоятларда юқори савияда ташкил этилди.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР САРАЛАНДИ

Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида мазкур баҳснинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

— Жорий йилда Тошкент шаҳри бўйича билимлар беллашувининг мактаб босқичида 90279 нафар, 2-босқичда эса 8368 нафар иқтидорли ўғил-қиз куч синашди, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Гулчеҳра Маманбаева. — Туман босқичида 1-ўринни эгаллаган 510 нафар иштирокчи шаҳар босқичида беллашди. Улардан 101 нафари ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари ўқувчилари. Бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда анча юқори. Бу эса ўқувчиларнинг синовларга пухта тайёргарлик кўраётганидан далолат бермоқда.

Беллашувнинг Тошкент вилоят босқичи Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида ўтказилди. Ўқувчиларнинг билимлари ёзма ва амалий иш ҳамда тест саволлари орқали синовдан ўтказилди. Таъкидлаш лозимки, билимлар беллашувининг саралаш босқичларида ўқувчилар ўзларининг юқори билимга эгалигини намойиш этишмоқда. Турли фанлардан ўқувчиларнинг билим кўрсаткичлари йилдан-йилга кўтарилиб бораётгани ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида қайд этилди.

— Инглиз тилидан тинглаб тушуниш шартида 5та тест саволига жавоб бердик. Жараёнда талаффузимдаги камчиликларни аниқлаб, луғат билан янада кўпроқ ишлашим кераклигини тушундим, — дейди Оққўрғон туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Сарвиноз Аҳматова.

Ғолиб ўқувчилар беллашувнинг республика босқичига йўлланма олди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
Маҳбуба КАРИМОВА,
"Ma'rifat" мухбирлари

В.ГРАНКИН олган сурат.

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

катта ютуқ ва оламшумул ихтироларга доя бўлажак

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан факультетимиз ўқув биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 6 млрд. 340 млн. сўм сарфланди. Янги бинонинг ўқув ва лингафон хоналари жами 300 млн. сўмлик замонавий жиҳозлар, ахборот-ресурс маркази 70дан зиёд янги авлод компьютер технологиялари билан таъминланди. Эндиликда замонавий ўқув хоналари ва лабораторияларда 100 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, уч таълим йўналиши бўйича 700 нафардан зиёд бакалавр, 10та мутахассислик бўйича 162 нафар магистрант ҳамда 12 нафар катта илмий ходим-изланувчи ўз билим ва малакасини оширади, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари ва педагогик фаолиятни олиб боради.

Тадбир қатнашчилари байрамона безатилган ўқув биносига киришди. Бино фойесида кафедралар томонидан кўргазмалар ташкил этилган бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар илмий изланишлари ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб амалга ошириши кўзда тутилаётган келгуси режалари ҳақида гапириб беришди. «Генетика ва цитоэмбриология» кафедраси кўргазмали воситалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бу ўзгариш ва янгиланишлардан хурсанд бўлмаслик мумкин эмас, — дейди «Генетика ва цитоэмбриология» кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент Абдуқаюм Бекмуҳаммедов. — Айниқса, лаборатория хоналарининг замон талабларига жавоб бериши жуда аҳамиятлидир. Чунки назарий тушунчалар амалиёт билан боғлансагина, талабалар генетик қонуниятлар моҳиятини тўла тушунишади. Амалий кўникмалар назарий билимларни халқ манфаати, иқтисодиёт ривожи йўлида қўллаш имконини беради. Янги ғўза навларини яратиш устида кафедрамизда кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда талабаларнинг фаол иштироки ёшларни илмий фаолиятга йўналтиришимизга асос бўлаяпти. Талабалар ғўзанинг барг формуласи бўйича ажралишини ҳам лаборатория машғулотларида ўз кўзи билан кўриб, тажриба майдонида ўз қўли билан етиштиришса, назарий дарсларда ўрганган қонуниятларни амалиётда синаб кўришади. Ёки, айтайлик, ғўза генетикасида баъзи белгилар тўлиқ, баъзилари тўлиқсиз устунлик қилади. Бу каби ҳолатларни назарий маълумотлар билан тушунтириш жуда қийин. Янги лаборатория хоналарида, тажриба майдонларида шундай чуқур амалий билимларни беришимиз учун қулай шарт-шароит яратилди.

— Факультетимизнинг бугунги кўриниши, қиёфасини олдингисига умуман солиштириб бўлмайди, — дейди ўқув ишлари бўйича декан муовини Зафар Жабборов. — Мен бу даргоҳни 15 йилдан бери биламан. Талабалик, магистрлик, аспирантлик даврим шу масканда ўтган. Аммо факультетимизни бугунгидай озода ва обод, кўркам ва чиройли ҳолда кўрмаганман.

Амалга оширилган ўзгаришларни қиёсий кўрсатиб берадиган бўлсак, олдин маъруза хоналари 4та бўлган бўлса, ҳозир 8та, амалий машғулотлар хоналари 20та эди, энди 25та бўлди. Ўқув-лаборатория хоналарининг 13тадан 27тага ошгани талабаларнинг амалий билимлар эгаллашига катта эътибор қаратилаётганини билдиради. Илмий лаборатория хоналари ҳам 2 бараварга, яъни, 4тадан 8тага ошган. Конференция зали ҳамда компьютер синфи олдин 1та бўлган бўлса, ҳозир 2та. Ғўза генетикаси ва генетик коллекцияси музейи, Зоология музейи, Ахборот-ресурс маркази учун олдингидан бир неча баравар кўп хоналар ажратилган. Лингафон хонаси, Геоахборот тизими технологияси хонаси, Агроэкобиотехнология маркази, Экология лабораторияси янгидан ташкил этилди. Иқтидорли талабалар билан ишлаш учун 1та, магистрлик ва докторлик ишларини олиб бориш учун 8та хона ажратилди. Гап фақат бино сиғими, аудиториялар сонидагина эмас. Бугунги аудиториялар, лабораторияларнинг ҳам вазифаси ўзгарган. Бугун компьютерсиз, ахборот технологиялаписиз ишлаб бўлмайди. Шу боис, барча хоналар зарур ахборот технологиялари, компьютер, проектор, электрон доска каби замонавий технологиялар билан таъминланган. 15та компьютер синфи учун 71та янги компьютерлар келтирилган.

Қаршимизда «Биологлар боғи». Ўқув биноси имкониятлари билан танишиб чиққан иштирокчилар мана шу сўлим гўшага ташриф буюришди. Олдинги қуриган дарахтлар ўрнига, қарағай, япон сафораси, юка гуллари, атиргул, шафрон каби манзарали дарахтлар экилган. Уларнинг ҳар бирининг ўзбекча, русча ва лотинча-(илмий) номи, қайси оила ва туркумга мансублиги, ватани, ботаник тавсифи ҳамда аҳамияти тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу ер талабаларнинг танаффус пайтидаги, бўш вақтларини ўтказишига хизмат қилувчи маскан вазифасини ҳам ўтайди. Янги ниҳол ва кўчатларни факультет талаба ва магистрантлари ўтқазишган. Ёш ниҳоллар бу даргоҳда забардаст мутахассисларнинг камол топишидан дарак бергандек ҳозирданоқ куртак ёза бошлаган.

Тадбир иштирокчиларининг навбатдаги манзили «Агроэкобиотехнология» маркази бўлди. Энг аҳамиятлиси, марказ фаолияти учун зарур энергия шу ерда ўрнатилган қуёш батареялари ёрдамида етказиб берилса, газга эҳтиёж эса биогаз қурилмаси орқали қопланади. Талабалар энергия пайдо бўлиши жараёнини ҳам, биогаз олиш технологиясини ҳам кузатиб, ўрганиб боришади. Бундай шароитда билим олган ёшлар илмий яратувчанликда ресурс тежамкорлиги, экологик софлик асосий талаб эканлигини англаб етадилар.

Илмий марказда дала шароити яратилган. Биология-тупроқшунослик факультети талабаларининг берган маълумотига кўра, табиат қўйнидаги тупроқ лаборатория шароитидаги тупроқдан фарқ қилиб, унда тириклик унсурлари мавжуд бўлади. Эндиликда улар дала шароитидаги амалий машғулотларда тупроқнинг бор хусусиятлари, ўзгаришларини кузатиб боришади.

Илмий марказда тупроқшунослик мутахассислиги 2-босқич магистранти Бобур Саидалиевни учратдик. У кичик курс талабаларига иқлим шароитларига чидамли «Замин М» микробиологик препарати шўрланган ерларда ўсимликларнинг озиқларни ўзлаштиришига ёрдам бериши тўғрисида маълумот бераётган экан.

— Бугунги тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган замонавий технологияларни, ўзимизнинг маҳаллий иқлим шароитларига мос ўғитларимизни, илмий ишларимиз натижаларини намойиш этдик, — дейди Бобур. — Илмий ишим мавзуси: «Маҳаллий ёмғир чувалчангларидан қишлоқ хўжалиги ва уйрўзғор, органик чиқиндиларни қайта ишлаш ва биологик ўғит олишда фойдаланиш». Мамлакатимизда ёшларга берилаётган давлат даражасидаги эътибордан мамнунмиз. Ота-оналаримиз тасвирлаган эски, хароба ва совуқ хонали таълим даргоҳлари йўқ бугун. Янги, шинам, кенг, ёруғ аудитория ва лабораториялар ёшларнинг фанга иштиёқини оширади. Шу билан бирга, факультетимиз қошида «Агроэкобиотехнология» илмий маркази ташкил этилгани янги имкониятлар эшигини очди. Асосийси, бу ерда кичик ҳажмли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш майдончалари ҳам ташкил этилган. Тупроқ таркибини таҳлил этувчи янги, замонавий қурилмалар илмий ишларимизнинг самарадорлигини янада оширади.

Бундан ташқари, факультетда барпо этилган «Ген муҳандислигининг замонавий услублари мажмуаси» киши ҳайратини оширади. Мажмуада генни ажратиш, уни ёт организмларга кўчириш усуллари келтирилган. Мазкур усулларни ўрганган талабалар келажакда ҳар қандай замонавий ва нуфузли лабораторияларда мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб бориш малакасига эга бўлади.

— Айни пайтда завқ билан сўзламасликнинг, таълим даргоҳимиз билан фахр этмасликнинг иложи йўқ, — дейди магистрант Каромат Қўлдошева. — Биология — амалий фан. Шу боис амалий машғулотларни сифатли ва самарали ўтказишга қаратилаётган эътибор юксак даражада. Мен айни кунгача магистрлик диссертациям устидаги тадқиқотларни илмий раҳбарим Нигора Абдурашидова бошчилигида Биорганик кимё институтида олиб бораётган эдим. Энди барча шарт-шароитлар факультетимизнинг ўзида яратилган. Бизнинг малакали мутахассис бўлиб етишишимизга қаратилаётган эътиборни оқлаш масъулиятини ҳис этмоқдаман.

Иштирокчилар, устозмураббийлар, талабалар мулоқот асносида юртимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун янги имкониятлар пайдо бўлаётганини алоҳида таъкидлашди, хусусан биология ва тупроқшунослик соҳасида глобал аҳамиятга эга илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш учун қулай шароитлар яратилаётганлигини қайд этишди, факультет жамоасини янгиланишлар билан қутлашди, кейинги фаолиятларида муваффақиятлар тилашди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

Yangiliklarda yurt nafasi

Халқимиз Наврўз шодиёналарини кенг тантана қилаётган шу кунларда Фарғона вилояти қўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Наврўз байрами кунлари шундай замонавий санъат масканида иш бошлаётганимиз жамоамизни беҳад қувонтириб юборди, — дейди вилоят қўғирчоқ театри директори Таваккалжон Султонов. — Бундай шароит бизни янада илҳом билан ишлашга ундайди.

Ижодкорлар ва ёш томошабинлар учун барча шароит яратилган маскан “Ўз уйингни ўзинг асра!” спектакли намойиши билан очилди.

* * *

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида замонавий маданият маркази иш бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013—2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида барпо этилган маданият марказининг 200 ўринли зали замонавий тарзда жиҳозланиб, санъаткор ва томошабинлар учун барча шароит яратилди.

— Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, маданий дам олиши учун қулай шароит яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида чекка ҳудудларда ҳам замонавий маданият ва санъат кошоналари, истироҳат боғлари барпо этилаётганидан аҳоли мамнун, — дейди Оқолтин тумани маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Норбек Йигиталиев. — Айни кунларда бу ерда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун турли тўгараклар ташкил этилмоқда.

* * *

Термиз давлат университетида Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимизнинг жорий йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

— Миллий театрда санъатимизнинг улуғ дарғалари меҳнат қилган, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов. — Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида ташкил этилган ижодий гуруҳлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, санъат ихлосмандлари билан турли учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ўтказмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Учрашувда саҳна асарларидан парчалар намойиш этилиб, шеър ва ғазаллар ўқилди.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Давлат дастурини бажаришда ОАВнинг ўрни

Миллий матбуот марказида “Соғлом бола йили” давлат дастури ижросини таъминлашда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли ташкилот ва идора вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда давлат дастурининг моҳиятини кенг аҳоли қатламига етказишда ОАВнинг масъулиятини ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

— Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов. — Бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан аҳолини бохабар этиш журналистлардан ижодий ёндашув ва масъулиятни талаб этади.

Иштирокчилар давлат дастури доирасида кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар тайёрлаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом болани вояга етказишда ижтимоий соҳаларнинг ўрни, болалар спортини янада ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Ҳасан МЎМИНОВ

Табиий фанларни ўқитиш тажрибаси

Учкўприк туманидаги 6-умумтаълим мактабида “Табиий фанларни ўқитиш тажрибаси” мавзусида вилоят семинари ташкил этилди.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасида яратилаётган имкониятлар педагогларни янада ғайрат билан ишлашга ундамоқда. Дарсларнинг илғор технологиялар асосида ташкил этилиши ёш ўқитувчилар учун ҳам фойдали бўлмоқда. Шу маънода бу каби тадбирлар улар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

“Дарс — муқаддас”, “Ўрган — ўргат”, “Соғлом муҳит — соғлом жамоа” тавсиялари асосида таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот, ўқитувчиларнинг илғор педагогик усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида тавсиялар берилди.

Юлдуз РУСТАМОВА,
Учкўприк тумани ХТМФМТТЭ бўлими методисти

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Қашқадарё вилоят ахборот-ресурс марказида “Ассалом, Наврўзим, сен ризқу-рўзим” мавзусидаги адабий-мусиқий кечага Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари педагог-ўқитувчилари, ўқувчилар, МТМ тарбияланувчилари ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

Шаҳардаги 8-мактаб ўқувчиларининг каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик намуналаридан иборат кўргазма иштирокчиларга манзур бўлди. Миллий қадриятларимиз кўпкари, миллий кураш, чиллак, бештош ўйинларидан намойиш этилган лавҳалар тадбирга ташриф буюрганлар олқишига сазовор бўлди.

Тадбир сўнгида болажонлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
“Ma’rifat” мухбири

* * *

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 317-умумтаълим мактабида ҳам ана шундай байрам тадбири бўлиб ўтди.

Таълим муассасаси ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан Наврўз айёмига бағишлаб тайёрланган қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Жумладан, синфлараро ҳар бир вилоятнинг ўзига хос урф-одати–миллий таомлари, гўзал табиати ва бошқа маросимларига оид чиқишлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Хоразмнинг бежирим чўгирмаси, Бухоронинг зардўзлик кийимлари, Сурхон дўмбирасию Қашқадарё чанқовузи, баҳорий ноз-неъматлар билан безатилган дастурхондаги Самарқанд нонлари, Жиззахнинг мазали сомсалари, Тошкент ва гўзал водийнинг мазали таомлари баҳорий кайфиятни кўтариб юборди.

Байрам тадбирида ўқувчилар ўртасида миллий халқ ўйинлари ўтказилди. Тадбир якунида энг фаол ўқувчилар ҳамда энг намунали синфлар аниқланиб, тақдирланди.

Қаноат ФАЙЗУЛЛАЕВА

Наврўз — яшариш, янгиланиш ва нафосат шодиёнаси. Наврўз халқимиз учун энг суюкли, энг ардоқли байрам. Бу байрам Кармана туманидаги 28-мактабда ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбирда намойиш этилган миллий либослар кўргазмаси, фольклор намуналари, қўшиқ ва рақслар ташриф буюрганларга баҳорий кайфият улашди.

Оқсоқоллар, нуронийлар, маҳалла фаоллари иштирок этган байрамда халқимизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик яққол акс этди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган баҳорий таомлар дастурхонга тортилиб, барча бугунги дориломон кунларга шукроналик айтди.

Дилдора ШАМСИДДИНОВА,
Кармана туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси

Диққат, танлов!

“ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг касб алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш, ўзлари танлаган касбга ҳурмат ва фахр туйғусини юксалтириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказади.

Йигирмата номинация бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

“Энг фаол ёш тадбиркор” ва “Энг фаол ёш ҳунарманд” номинациялари бўйича иштирок этиш истагида бўлганлар Савдо-саноат палатаси ва Ҳунарманд уюшмасининг ҳудудий бошқармаларига, “Энг фаол ёш фермер” номинацияси иштирокчилари эса туман фермерлар кенгашига мурожаат этадилар.

Танловда иштирок этиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

— маълумотнома, номинация номи;

— мутахассиснинг тураржойи, боғланиш телефонлари тўғрисида маълумот;

— паспорт нусхаси;

— тегишли йўналишдаги фаолиятида эришган ютуқларига оид маълумот ва ҳужжатлар.

Асосий мукофот

“Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассислар, яъни самарадорлиги натижасида мамлакатимиз иқтисоди ривожига муносиб ҳисса қўшилиши қутилаётган янги ишланма ва лойиҳалар муаллифи бўлган ижтимоий-сиёсий фаол уч нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг махсус грантлари билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Савдо-саноат палатасининг совға ва дипломлари билан тақдирланади.

Танлов тўрт босқичда:

I босқич — 1—15 апрель кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;

II босқич — 15—30 апрель кунлари туман (шаҳар) миқёсида;

III босқич — 1—31 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

IV босқич — май-июнь ойлари мамлакат миқёсида ўтказилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2014 йил сентябрь ойида ташкил этиладиган “Ёш мутахассислар” республика форумида тантанали равишда топширилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг интернет тармоғидаги **www.kasaba.uz** портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва “Камолот” ЁИҲнинг марказий ҳамда ҳудудий кенгашлари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашинги (+998 71) 256-76-57 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

2014-yil — Sog'lom bola yili

ЖАМҒАРМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Боқий байрам — Наврўз анъаналарини давом эттириб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасидир.

Она-бола дийдорлашуви

Дилрабо ўғилчаси Шокиржонни жуда соғинди. Бир ярим йилдирки, она фарзандининг дийдорига зор. Бу йилги Наврўз айёмига қадар, зора, боласи бағрига қайтса. Баҳорий таомлар — сумалак, кўк сомсалар билан уни сийласа. Германияда нима еб-ичаётган бўлса, у ерларнинг овқатига ўрганди-микан? Тўғри, онда-сонда ўғли билан телефонда мулоқот қилиб турибди. Аммо у ҳар галги телефон орқали сўзлашувда ўпкаси тўлиб, бир йиғлаб оларди. 2012 йилнинг 15 августида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Германияга соғломлаштириш учун юборилган 16 нафар ўзбекистонлик боладан бири унинг дилбанди.

Ўрта Чирчиқ туманида истиқомат қилаётган Дилрабо Ҳасанбоева ўғилчасини даволатиш учун Тошкент шаҳридаги 16-клиник шифохонага олиб келди. Бу ерда унга шифокорлардан бири «Сиз «Соғлом авлод учун» жамғармасига мурожаат қилинг. Бу ташкилот томонидан ногирон болалар Германияга юборилиши ва операция қилиниб, яна ота-онаси бағрига қайтарилиши ҳақида эшитганман», деб қолди.

Жамғармада Германияга бориш учун навбатга ёзилди... Ҳа, сабр таги сариқ олтин, деганларича бор экан. Ўғилчасини Тошкент халқаро аэропортида кўзда ёш билан кузатиб қолган онаизор уни шу йилнинг 16 февралида қучоқ очиб кутиб олди. У роппа-роса бир ярим йил ичида ўзгарибди, бўйи чўзилган, нутқи равонлашган, немисча сўзларни ҳам ўрганибди. Соғлиги анча тикланибди. Шокиржонни даволаган немис шифокорлари 2015 йилнинг февраль ойида муолажанинг иккинчи босқичи учун уни қабул қилишларини касаллик варақасига қайд қилиб жўнатган эканлар.

— "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан бизга кўрсатилган беминнат ва беғараз молиявий кўмакдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Мен каби фарзанди тасодифан ногирон бўлиб қолган оналарни жамғарма қўллаб-қувватлаётгани учун чексиз миннатдорлик билдираман. Ҳозир 9 ёшга тўлган фарзандим Қўқоновул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 69-умумтаълим мактабининг 1-синфида ўқияпти. Ақлий ривожланиши яхши, нутқи равон, ўзлаштириши ҳам чакки эмас. Кейинги муолажадан сўнг у ўзини батамом тиклаб олишига умид қиламиз, — дейди Дилрабо Ҳасанбоева.

Таъкидлаганимиздек, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг дунёнинг ривожланган давлатларида даволаниб қайтиши учун шарт-шароит яратиш "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилаётган савоб ишларнинг бир йўналишидир. 2002—2013 йиллар мобайнида жамғарма ҳомийлик маблағлари эвазига 231 нафар бола Германияда даволаниб қайтди. Соғломлаштирилган бу болалар ўз ота-онаси бағрида баҳор байрами — Наврўзни қарши олмоқда.

Самарқандга саёҳат

"Тошкент" темирйўл вокзалига етиб келган тарбияланувчилар бирин-кетин поездга чиқа бошладилар. 21, 22, 30-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар Самарқандга саёҳат уюштирилаётганидан хурсанд. 13, 14, 15, 16 ёшдаги 100 нафар ўсмирларга тарбиячи опалар бош-қош.

"Тошкент — Самарқанд" поезди пойтахтни бир зумда ортда қолдириб, Сирдарё бўйларидан Жиззах тоғлари сари елиб борарди. Самарқандга етиб келган саёҳатчиларни махсус автобус ва гидлар кутиб турган экан.

Болалар тарихий шаҳар меъморий обидалари — Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси бўйлаб айланар, экскурсиячиларнинг ҳар бир объект ҳақида батафсил ҳикоялари таассуротларини янада бойитар эди. Ёш саёҳатчилар дам суратга тушишар, дам осори атиқаларнинг жозибасию ҳайбатидан ҳайратга тушишарди.

— Ўша куни шаҳардаги тарих музейида ҳам бўлдик. Экспонатлар беҳад кўп экан. Болаларимиз зиёратгоҳ шаҳарнинг қайси меъморий обидасига бормасин, катта қизиқиш билан қарашарди. Ушбу шаҳар ҳақида аввал эшитиб юрган тарбияланувчилар энди уни ўз кўзлари билан кўрдилар. Ўша куннинг ўзида яна пойтахтга қайтдик. Эртаси куни биз саёҳатга борган барча тарбияланувчиларга ўз таассуротлари бўйича иншо ёздирдик. Ранг-баранг ижодий ишларни ўқиб, Меҳрибонлик уйида вояга етаётган ўғил-қизларимиз воқеликка ўз муносабатларини билдира олишидан хурсанд бўлдик, — дея ҳикоя қилади Самарқанд сафари ҳақида 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Светлана Гареева.

"Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғарма ташаббуси ва молиявий кўмаги билан ташкил этилаётган бундай саёҳатлар фарзандларимиз қалбида ўз она юртига муҳаббатни кучайтириб, уларда ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш тушунчасини шакллантиради. Шубҳа йўқки, кечагина Самарқанд шаҳрида бўлган болакай ана шу мавзуда сўз кетса, кўрган-кечирганларини берилиб ҳикоя қилишга чоғланади. Демак, бу саёҳат унинг ҳаётига янгича мазмун бағишлайди.

Хулкар ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Navro'z an'analari

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЙЎҚЛОВИ

Маҳмудахон эрта уйғонди. Бугун Наврўз байрами, кўни-кўшни, қариндош-уруғлар келиб қолиши мумкин, дея ҳовлини чиннидай қилиб супурди. Чойнак-пиёлаларни яраклатиб ювди.

Қизлари Наврўза, Муниса ва Сабина билан нонуштага ҳозирлик кўраркан, хаёлидан бир фикр сира кетмасди. Турмуш ўртоғи Акраммаҳалла фаоллари бир пиёладан чой ичиб чиқиб кетишди...

Андижон шаҳридаги «Ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғини аъзоларининг вафотига ҳали кўп бўлмади. Дафн маросимларини маҳаллакўй, қариндош-уруғ ва яқинлар ёрдамида бир амаллаб ўтказиб олди. Аммо ўсиб келаётган қизлари-чи? Уларга бир ўзи яхши тарбия бериб, кам-кўстини тўлдира олармикан? Бундан кейинги ҳаётлари қандай ўтади? Бировнинг ёрдами, бир ё икки марта. Ўзининг ҳам бирор касб-кори бўлмаса. Қизларининг ўқиши, ейиш-ичиши, кийиниши бор...

Маҳмудахон юзларида табассум билан уйига кириб келган маҳалла фаолларини кўриб, шошиб қолди. Улар қўлларидаги совға-саломларни бир четга қўйиб, дуога қўл очдилар.

— Тинчлик, омонлик бўлсин!

Қизалоқлар бири чой қўйиб, бири дастурхон ҳозирлади. Мари ҳар бир айёмда кўнгли ярим инсонлар ва кам таъминланган оилалардан хабар олиб, кўнгил сўрашга одатланишган.

— Маҳалламиз ҳудудида 659 хонадон бор, — дейди МФЙ раиси Дилбархон Йўлдошева. — Кам таъминланган оилалар доимий эътиборимизда. Бугунги айёмда ҳар биридан хабар олдик, баҳолиқудрат кўнгил сўрадик.

Дарҳақиқат, маҳалла раиси етакчилигида фаоллар Қодиржон Рўзиев, Толибжон Бозорбоев, Абдурашид Мамажонов, Минура Даминчаева ва Моҳидил Тўрақулова ногирон Нўъмонжон Сотволдиев, боқувчисини йўқотган Маҳмудахон Раҳмонова, 84 ёшли Салтанатхон Раҳимова ва эр-хотин ногиронлар Рафиқжон Садиров ва Бўрихон Садирова оилаларига биринчилардан бўлиб эътибор қаратдилар.

— Бахтсиз ҳодиса — ёнғин туфайли хонадонимиз қиш чилласида буткул яроқсиз ҳолга келиб қолди, — дейди Салтанатхон опа Раҳимова. — Маҳалла фаоллари дарҳол ёрдамга келишди. Қўшни маҳалладаги қаровсиз ётоқхонани таъмирлаб, бизга бошпана қилиб беришди. Қишдан қийналмай чиқиб олдик. Бунинг учун уларга раҳмат!

Наврўз — энг аввало, меҳр-оқибат, одамийлик айёми. Шу хислатларга ушбу қутлуғ кунларда янада кўпроқ гувоҳ бўламиз.

Маҳаллада сумалак сайли давом этмоқда. Онахонлар ва ёш уй бекалари биргаликда пиширган «Момолар оши» бутун маҳаллага тарқатилди.

...Маҳмудахон Раҳмонованинг оиласида байрам кўтаринкилиги. Оила суянчини йўқотиб ғамга ботган хонадонда шу тобда маҳалла фаоллари, қўшни ва қариндошлар эътибори, ажиб хурсандчилик ҳукмрон. Хонадон бекаси эл-юртимиз тинчлиги учун дуо қилар экан, фарзандларини одобли, эл хизматига шай қилиб тарбиялашни кўнглига тугаётган бўлса, не ажаб?

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

МУРОДАЛИДА БАҲОР

Қут-барака, меҳр-оқибат, бунёдкорлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли бўлган, юртимизда минг-минг йиллардан буён нишонланадиган Наврўз айёми Пискент туманининг Муродали қишлоғида истиқомат қилувчи, умрининг 45 йилини 23-умумтаълим мактабида ўқувчиларга жисмоний тарбия фанидан дарс беришга бағишлаган Салимхўжа Ғуломов хонадонига ҳам кириб келди. Баҳор таровати, байрам руҳи сезилиб турган саранжом-саришта ҳовлига кирар эканмиз, Салимхўжа отани боғдаги мевали дарахтларни бутаётган пайтда учратдик.

— Ассалому алайкум! Ҳорманг, ота, баҳорги ишларни бошлаб юборибсиз-ку? — деймиз ғайрат-шижоати баланд, 75 баҳорни қаршилаган Салимхўжа отага.

— Ваалайкум ассалом, хуш келибсизлар. Қани меҳмонлар, ичкарига марҳамат, — дея отахон табассум ила бизни қарши олди.

— Ҳовлингизга кирган одам бир қарашданоқ кўклам нафасини сезади.

— Қадриятлар оилада шаклланади, — дейди отахон. — Баҳорнинг илк кунлариданоқ фарзандларим, невараларим билан ҳовлидаги дарахтларни бутаймиз, ариқларни тозалаб, кўча атрофига гуллар экамиз. Маҳалладошлар билан йиғилиб, сумалак, ҳалим пишириб, кўни-кўшниларга улашамиз. Мактабда ишлаб юрган кезларим ўқувчилар билан ён-атрофга мевали, манзарали дарахт ва турли гул кўчатлари ўтқазар эдик. Биз эккан ўша ниҳоллар ҳозир улкан дарахтга айланиб, мевасидан ташқари ёзда соя бераётганини айтмайсизми!

Салимхўжа ота спортчилардек тетик, бардам, устозлардек фикри тиниқ, гаплари жўяли. Отанинг ўғли Мухторхўжа Ғуломов тумандаги 14-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини бошқариб келмоқда.

— Тадбирдан келаяпман, — дейди у. — Мактабимизда 1000 нафардан ортиқ спортчи ёшлар бўлса, уларнинг қарийб барчаси байрам тадбирларида иштирок этишмоқда. Ўқувчилар байрамни яхши кўришади, тайёрлаган чиқишлари ранг-баранг. Наврўз байрами муносабати билан мактабимиз ҳовлиси ва атрофини ободонлаштирдик. Арча, терак ва мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик.

Қир-адирлари яшил либос кийган, дарахтлари гул очишга шай, кўклам нафаси уфурган Муродали қишлоғида Наврўз тантаналари авжида. Салимхўжа Ғуломов сингари ўз умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган фидойи инсонлар бор экан, байрамларимиз бундан-да файзли ўтиб, кўнгиллар шодликка тўлаверади.

Ҳасан МЎМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ma'rifat

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг «Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш» борасидаги IV бобининг 35-бандида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 февралдаги Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича республика ишчи гуруҳи мажлисининг 32-сонли баённида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ёш олимлар ва талабаларнинг «XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказилади.

Ҳудудий конференцияларни ўтказиш манзили ва вақти қуйидагича:

— Ўзбекистон Миллий университети (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри учун) — 2014 йил 16-17 май кунлари;

— Жиззах давлат педагогика институти (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун) — 2014 йил 23-24 май кунлари;

— Наманган давлат университети (Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари учун) — 2014 йил 30-31 май кунлари;

— Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун) — 2014 йил 6-7 июнь кунлари;

— Навоий давлат кончилик институти (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари учун) — 2014 йил 13-14 июнь кунлари;

— Қорақалпоқ давлат университети (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун) — 2014 йил 17-18 июнь кунлари.

«XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остидаги республика илмий-амалий конференцияси 2014 йил 27-28 ноябрь кунлари Бухоро давлат университетида ўтказилади ва унда ҳудудий конференцияларда совринли 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ёш олимлар ва талабаларнинг маърузалари муҳокама этилади.

Конференциянинг мақсади:

Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, республика ҳаётининг ҳар бир соҳаси ва жабҳасини ривожлантиришга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш ҳамда замонавий техника ва технология, ахборот-коммуникация маданиятини пухта ўзлаштирган, мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган билимли, етук ёш олимларни тарбиялашга кўмаклашиш, улар ўртасида ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Ҳудудий ва республика конференцияларида қуйидаги йўналишлар (секциялар) бўйича иш олиб борилади:

1-секция: Ижтимоий-гуманитар фанлар.

2-секция: Табиий фанлар.

3-секция: Аниқ фанлар.

4-секция: Техника фанлари.

Конференцияда иштирок этиш учун талабнома ва конференция материаллари тўпламига илмий мақола тақдим этиш зарур.

Ҳудудий конференцияларда илмий мақолалар қуйидаги муддатларгача қабул қилинади:

— Ўзбекистон Миллий университетида 2014 йил 16 апрелгача;

— Жиззах давлат педагогика институтида 2014 йил 23 апрелгача;

— Наманган давлат университетида 2014 йил 30 апрелгача;

— Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 2014 йил 6 майгача;

— Навоий давлат кончилик институтида 2014 йил 13 майгача;

— Қорақалпоқ давлат университетида 2014 йил 17 майгача.

Конференция материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:

— илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

— тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг камида битта тақризи билан қабул қилинади;

— муаллиф ҳақидаги маълумотнома (объективка) ва муаллифнинг паспорт нусхаси тақдим этилади;

— ҳудудий илмий-амалий конференцияда қатнашиш бўйича муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, мақола номи, конференция йўналиши (секция), ташкилот номи, муаллифнинг лавозими, хизмат манзили, телефон, факс ҳамда электрон почта манзиллари кўрсатилган талабнома бўлиши зарур;

— конференция материаллари ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

— илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ҳажмдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,5 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1 см. жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Мақоланинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми, отасининг исми ҳамда фамилияси бош ҳарфда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,0 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталикда бўлиши ва 5 бетдан ошмаслиги лозим. Электрон нусхаси диск ёки флешкага ёзилган ҳолда юборилади ёки электрон почта орқали жўнатилади.

Конференция ташкилий қўмитаси илмий мақолаларни таҳрир қилиш ва саралаш ҳуқуқига эга.

Конференция материалларини юбориш ҳамда маълумот олиш манзиллари:

Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент шаҳри Олмазор тумани Талабалар шаҳарчаси Университет кўчаси
Тел.: 8 (371) 227-10-34, 227-12-24,
Факс: 8 (371) 246-02-24
E-mail: info@nuu.uz, rector@nuu.uz

Жиззах давлат педагогика институти
Жиззах вилояти Жиззах шаҳри
Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 4-уй
Тел.: 8 (372) 226-25-51, 226-13-57,
Факс: 8 (372) 226-59-94
E-mail: jizdpi_atm@edu.uz

Наманган давлат университети
Наманган вилояти Наманган шаҳри
Уйчи кўчаси, 316-уй
Тел.: 8 (369) 227-06-12, 227-01-44,
Факс: 8 (369) 227-01-44
E-mail: info@namdu.uz, nvsu_info@edu.uz

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри
Мустақиллик шоҳкўчаси, 225-уй
Тел.: 8 (375) 224-02-89, 221-09-23,
Факс: 8 (375) 224-13-95
E-mail: info@qmii.uz

Навоий давлат кончилик институти
Навоий вилояти Навоий шаҳри
Жанубий кўчаси, 27-а уй
Тел.: 8 (436) 770-29-32, 770-29-35,
Факс: 8 (436) 223-82-30
E-mail: info@nggi.uz

Қорақалпоқ давлат университети
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри
Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй
Тел.: 8 (361) 223-60-19, 223-60-78,
Факс: 8 (361) 223-60-78
E-mail: karsu_info@edu.uz, karsu@karsu.uz

Бухоро давлат университети
Бухоро вилояти Бухоро шаҳри
М.Иқбол кўчаси, 11-уй
Тел.: 8 (365) 223-65-94, 223-23-14,
Факс: 8 (365) 223-12-54
E-mail: info@buxdu.uz

Sinab ko'ring

Ёш ҳамкасбларимиздан бири дарс давомида фан тушунчаларини яхши тушунтиришга ҳаракат қилаётгани, лекин айрим ўқувчилар ҳамон сust ўзлаштирувчи бўлиб қолаётганини айтиб қолди. Шунда мен дарс пайтида ўзим қўллайдиган баъзи интерфаол усулларни ёш ҳамкасбим билан ўртоқлашдим.

Айтиш жоизки, дарсда ўз ўрнида қўлланилган ҳар бир янгилик ўқувчининг фанга қизиқишини янада оширади. Кимё фанидан «Органик кимёнинг асосий тушунчалари», «А.М.Бутлеровнинг кимёвий тузилиш назарияси», «Органик моддаларнинг номенклатураси ва изомерияси» мавзуларини тушунтиришда «Нима учун?» мулоқот усулидан фойдаланганимда синфдаги барча ўқувчилар, ҳатто сust ўзлаштирувчилар ҳам ўзаро мулоқотга киришиб, фаол иштирокчига айланди. Бунда, аввало, ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, уларга дидактик материаллар тарқатилади. Ҳар бир ўқувчи «Нима учун?» саволига босқичма-босқич жавоб беради.

ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИБ ИШЛАШ

бунда сust ўзлаштирувчилар ҳам фаол иштирокчига айланади

Дарс давомида ўқувчиларнинг кайфиятини кўтариш, ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида «Билимингизни намоён этинг!» тренингидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда бирор органик модданинг таркиби чуқур ўрганилади. Масалан, 75та изомерга эга бўлган углеводород(декан)нинг тузилиш таркиби ўқувчилар томонидан изоҳланади. Уларнинг хотирасини мустаҳкамлаш мақсадида кроссворд тузиш усулидан фойдаланган ҳолда углеводородларнинг хоссаларини ўрганишга киришилади.

Кроссворд саволлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Кимё фанининг бўлимларидан бири (органика).
2. Водород ва бошқа элементларни ўзига бириктирмайдиган углеводородлар (алканлар).
3. 75та изомерга эга бўлган углеводород (декан).
4. Табиий газнинг 98 фоизини ташкил этувчи газ (метан).
5. C_3H_8 (пропан).
6. Тузилиш назариясини фанга киритган олим (Бутлеров).
7. Икки элемент — углерод ва водороддан ташкил топган органик бирикмалар (углеводородлар).
8. Таркиби ва массаси бир хил, молекулаларининг тузилиши ҳар хил бўлган моддалар (изомерлар).
9. Молекуласида гидроксил гуруҳ бўладиган бирикмалар (спиртлар).

Зеҳни ўткир ўғил-қизлар бу саволлардан сўнг кроссвордни "Сен давом эттир" усули орқали ечишади. Шу тариқа ўқувчилар бир-бирининг фикрини давом эттириб, машғулот пайтида сust тингловчидан фаол иштирокчига айланади.

Сайёра ДЎРМОНОВА,
Термиз ахборот-технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси

O'ynab, so'zlab o'rganamiz!

ЎҚУВЧИЛАР «МУХБИР»ГА АЙЛАНИШДИ

— Hello, how are you?
— I'm ok, thank you.
— What is your name?
— I'm Bobur.
— And you?
— I am Mahfuza...

Болажонлар бир-бирлари билан инглизча танишувни ўрганишар экан, уларнинг аниқ-тиниқ сўзлашаётгани диққатимизни тортди. Термиз шаҳридаги 15-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари рангли расмлар, мультимедиа воситалари орқали кўрсатилаётган тасвирлар асосида оғзаки мулоқотга киришган. Муассасадаги чет тили хонасининг парталари «п» шаклини эслатади. Ўқитувчи столи ёнида телевизор, DVD-плеер, компьютер ва проектор жойлаштирилган. Синф деворларида инглиз тилидаги турли расмли плакатлар осилган. Доскадаги рақамлар, суратлар ҳам айнан болалар учун мўлжалланган. Синфда ўзига хос инглиз тили муҳити яратилган. Бироқ жажжи ўқувчилар бироз бесаранжом, ўзаро суҳбатга киришган. Дарсни бошлаган ёш педагог Эътибор Раҳмонова болаларнинг диққатини жамлашга уринди.

— Юқори синфларда инглиз тили дарси сана, об-ҳаво ва ким навбатчилигини сўраштан бошланади, — дейди педагог. — Кичкинтойларни машғулотга жалб этиш усуллари бошқача. Аввал телевизор орқали «Good morning» деб аталган инглиз тилидаги саломлашиш қўшиғини тинглаймиз. Шунда ўқувчиларга бу эрталабки салом эканини айтамиз. Қайта-қайта эшитиш шу сўзнинг ёд бўлишига ёрдам беради. Улар янграётган сўзни диққат билан тинглайди. Қўшиқ тугагач "Салом" сўзи ҳар бир ўқувчидан бирма-бир сўралади. Қўшиқдаги сўзларни ўзлаштириш бироз қийин. Бу борада ўқитувчининг талаффузига таянилади.

Муаллим болаларни зериктириб қўймаслик учун атрофдаги нарса-буюмларнинг инглиз тилида айтилишини сўрайди. Дарс давомида ўқувчилар фаоллиги ошиб боради. Ўқитувчи болалар диққатини жамлаб, шундай дейди:

— Қани, сумкангизда нималар бор, уларни парта устига қўямиз. Дафтар (a copybook), китоб (a book), ручка(a pen) қалам (a pencil), чизғич (ruler) ва сумка(a bag) сўзларини инглиз тилида такрорлаймиз.

Бола кун давомида бу буюмларни ўзи билан олиб юради. Кўзи тушган заҳоти таржимасини ёдга олаверади. Ўқувчилар дарсга мослашгандан сўнг аста-секин ўйинларга ўтилди. «Мухбир» («Reporter») ўйинида икки ўқувчи доскага чиқиб, бирбири билан савол-жавоб қилади. Улар ўтилган мавзуларга оид содда сўзлар ва иборалардан таркиб топган бўлиши керак. Ўйин ўқувчиларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотни ёд олишига кўмак беради. Сўзларни яхши талаффуз қилганлар юлдузча билан тақдирланади.

Биринчи синф ўқувчиси фақат тинглаб ўрганади. Унга кўпроқ мулоқотни ўргатиш лозим. Ўқувчиларга расмлар кўрсатилиб, нима эканини жўр бўлиб айтиш сўралди. Бу вақтда ўқитувчи зийраклик билан қайси ўқувчи қай даражада фаоллигини аниқлади. Дарсда суст қатнашаётган ўқувчини ёнига чорлаб, «Сен ёмон жавоб бермадинг, шу сўзларни мен билан бирга такрорлай оласанми?» деди. Расмга қараб сўзлар такрорланди. Бу боланинг ўзига ишончи ортишига сабаб бўлди.

Дарснинг кейинги қисмида етти нафар бола доскага чақирилди. Ўқитувчи уларга "Энди **"Камалак" ("Rainbow")** ўйинини ўйнаймиз", деди. Болалар ранглар номини олишди: қизил (red), сабзиранг (orange), сариқ (yellow), яшил (green), кўк (blue), бинафшаранг (purple) ҳамда пуштиранг (pink). Улар ҳар бир рангни англатувчи белги, яъни кўкрагига айлана шаклидаги қоғозни тақиб олишади. Ўйин давомида ўқувчиларга копток берилади. Компьютер ёрдамида ранглар қўшиғи тингланади. Ўтирган ўқувчига коптокни айтилган рангдаги тенгдошига отиш уқтирилади. Ўйин орқали етти хил ранг такрорлаш тортди. Кейин ўқитувчи ўғил-қизлардан ўзи ҳозиргина ҳаракатлар орқали ўргатган сўзларни такрорлашни сўради. Уларнинг жавобидан кўнгли тўлгач, «Дарсдан сўнг қаерга борамиз?» деди. Ўқувчилар «Ўйга» дея жавоб қайтаришди. Шунда ўқитувчи: «Бизни у ерда ким кутади?» деди. Ўқувчилар яқинларини бирма-бир инглизчада санашди. Бу билан машғулот аввалида ўтилган янги сўзлар ҳам мустаҳкамланди. Ўқитувчи «Бизни мактабдан сўнг оиламиз кутади» деб жавобларни умумлаштирди. Бола уйга боргач, кўзи оила аъзоларига тушиши билан ўрганган сўзларни ўз-ўзидан инглиз тилида бурро-бурро сўзлай бошлайди.

— Луғат бойлигини ошириш учун бола кун давомида мулоқотга киришадиган инсонлар ва кўзи тушадиган буюмларнинг инглиз тилида номланишини ўргатиш яхши самара беради, — дейди педагог. — Қўшиқлар, расмлар ҳамда ўйинлар боланинг тил ўрганишга қизиқишини орттиради. Дарсдан сўнг ота-оналар билан мулоқотда бўламан. Ўқувчиларга берилган вазифанинг бажарилиши учун ота-оналарга мўлжалланган қўлланмадан қандай фойдаланишни тушунтираман. Қўлланмада сўзлар оддий ва қулай берилган. Масалан: «What colour is it?» саволини фарзандига бермоқчи бўлган ота-она уни бемалол ўзи тушунадиган ёзувда ўқиши мумкин. Чунки ҳар бир сўзнинг талаффузи ва таржимаси аниқ ифодаланган. Бу ота-онанинг бола билан ишлаши, қолаверса, инглиз тилини ўрганишига кўмак беради.

Бугун фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли бўлиб улғайишлари, чет тилларда бемалол мулоқотга киришишлари учун болаликдан пойдевор қўйилмоқда. 1-синфда таълим олаётган ўғил-қизларнинг нутқини ўстириб, тасаввур оламини кенгайтиришга интилаётган ўқитувчиларнинг ҳам масъулияти ошмоқда. Устозларнинг бугунги машаққатли меҳнати эртага ўз самарасини беради, албатта.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Tajriba

«ҚУВНОҚ ПОЕЗДДА САЁҲАТ»

ўқувчиларнинг экологик билимларини бойитади

Табиатшунослик дарсида барча ўқувчиларим фаол иштирок этишади. Бу фан кўпинча табиат қўйнида ўтилгани боис ўғил-қизлар учун жуда қизиқарли кечади. Уларнинг сув, ҳаво, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақидаги саволларига атрофимиздаги оламдан жавоб излаймиз. Ушбу аснода табиат инъомларини муҳофаза қилишни ҳам тушунтириб бораман. Ўқувчиларга 1-синфданоқ экологик тарбия берилиши мурғак қалбларида табиатга меҳр уйғотади.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, ўқувчиларимга экологик билимларни интерфаол усулдан фойдаланган ҳолда беришга ҳаракат қиламан. Бунда "Қувноқ поездда саёҳат" усулидан фойдаланаман. Ўқувчилар уч гуруҳга бўлиниб, гуруҳлар "Табиат", "Тоза ҳаво", "Тиниқ сув" деб номланади. Ўғил-қизлар ўтирган қатор учта вагон деб ҳисобланади. "Қувноқ поезд" йўлга чиққач, улар Ўзбекистон бўйлаб саёҳатни бошлайдилар. Поезддаги ўқувчилар "Ёш экологлар" деб номланади. Дарс қизиқарли чиқиши учун юқори синфдан ҳам ўқувчилар жалб этилиб, улар ҳуқуқшунос, табиатшунос, эколог ва томчи сув ролини ижро этишади. Саёҳат давомида "Табиат инъомлари — сув ва ҳавони муҳофаза қилиш" мавзусига оид слайдларда кўрсатилган табиат бойликларига изоҳ бериб боришади. Янги мавзуни тушунтириш жараёнида поезд ҳар бир ҳудудда тўхтаб, республикамизнинг турфа хил экологияси, табиий захира ва бойликлари ҳақида тушунча беради. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши сабаблари таҳлил қилинади. Табиатни томоша қилиб кетаётган ўқувчиларнинг эътибори сувга чиқинди ташлаётган болаларга қаратилиб, муаммоли вазиятлар намойиш этилади. Табиатшунос сув ҳавзалари ҳақида, ҳуқуқшунос эса "Сув ва ундан фойдаланиш тўғрисида" маълумот беради. Сўнгра «Ақлий ҳужум» уюштирилиб, "Сув қандай муҳофаза қилинади?", дея савол берилади. Ҳар бир муаммога ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг суҳбатга "Томчи сув" қўшилади:

— Бугунги мунозарадан ўзим ҳақимдаги фикрларни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Чунки ифлосланган ариқ сувлари кўплигидан жуда хафа эдим. Саёҳатингиз давомида суҳбатингизни эшитиб, мени тежаб ишлатишингиздан қувондим, — дея билимдон болаларни "Энг билимдон ўқувчи" карточкалари билан рағбатлантиради. Дарсни шу тарзда эколог давом эттириб, ўқувчиларга она табиатимиз ҳамда атмосфера ҳақида маълумот бериб ўтади. Ўқитувчи турли плакатлар орқали сув, ҳаво ва табиат муҳофазасига оид расмларни кўрсатиб, мавзуни мустаҳкамлайди. Дарс якунида «Қувноқ поезд» ортга қайтади. Бу жараёнда ўқувчиларга мавзуга оид топишмоқлар берилади. Уйга вазифа қилиб сув ва ҳавони асраш мавзусини ўрганиш ва иншо ёзиш топширилади.

Ушбу ўйинни 4-"Г" синф ўқувчилари билан бирга ўтказганимизда 31 нафар ўғил-қиздан 8 нафари аъло, 17 нафари яхши баҳо олиб, 6 нафари эса рағбатлантирувчи карточка билан тақдирланди. "Қувноқ поездда саёҳат" усули ҳар бир бошланғич синф ўқувчисини ўзига жалб этиб, уларнинг экологик билимларини бойитишга ҳисса қўшади.

Дилафрўз ЙЎЛДОШЕВА,
Юнусобод туманидаги
240-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

НУТҚИ РАВОН ЎҚУВЧИ

фикрини ҳам эркин баён этади

Ўқитиш икки баравар ўқиш демакдир. Бу фикрда устозларнинг машаққатли меҳнати намоён. Бола ривожланишининг энг муҳим даври ҳисобланган бошланғич синфда дарс беришнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор.

Бунда ўқитувчидан бола таълим-тарбиясида оилада ёки мактабгача таълим муассасасида эътибордан четда қолган жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Яъни, бола нутқининг равонлиги, ўз фикрини эркин баён эта олиши каби жиҳатларни ривожлантириш мақсадида дарсларда турли қизиқарли ўйинлардан фойдаланиш энг самарали усул.

Она тили дарсларида ички нутқни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Боланинг айтиладиган фикрни бир жойга тўплай олиши ички нутқ ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Машғулотларда шундай муҳитни вужудга келтириш лозимки, ўқувчи тузган матнидан қониқиш ҳосил қилсин. Бу болани ўз нутқини такомиллаштириб боришга илҳомлантиради. Дарс давомида «Иборалар тузинг», «Бир ҳарфда ўн жавоб», «Топқирлар ўйини», «Расмга қараб гапириш» каби ўйинлардан унумли фойдаланиб бошланғич синф ўқувчилари нутқи равон бўлишига эришмоқдаман.

«Билим эгаллаш учун тинимсиз ўқиш керак» шиори остида турли беллашувлар ўтказиб ўқувчилар билимини ошириш, нутқини ривожлантириш, бир-бири билан ижодий мулоқотда бўлишига замин яратилмоқда.

Гулбаҳор САРИМСОҚОВА,
Зангиота туманидаги 47-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси

Ma’rifat

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

Айрим илмий манбаларда доимий яшиллик, яшариш, улғайиш маъбудаси сифатида тасаввур қилинган илоҳа Ўлан тўғрисидаги эътиқодий қарашлар билан боғланган ўлан жанридаги халқ ижодиёти намуналари доимо яхшиликларга чорлов бўлгани билан эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими Шаҳодатбону Имомназарова билан суҳбатимиз луғатларда «халқ қўшиғи», «ашула» дея изоҳ берилган ўлан жанри, унинг ўзига хос жиҳатлари мавзусига қаратилди.

ХУШ КУНЛАР ОЛҚИШИ

— Суҳбатимизни ўзбек фольклори поэтик анъаналарининг бетакрор жозибаларини ўзида мужассамлаштирган, илдизлари қадим тарихимизга бориб туташувчи ўлан жанрининг этимологиясига доир илмий хулосалар билан бошласак.

— Ўлан жанри қадимда ўзбек уруғлари орасида кенг тарқалган. «Ўлан»//«ўланг» атамаси ўзбек, олтой, қозоқ, қорақалпоқ, озарбойжон, қирғиз, уйғур ва бошқа туркий халқлар орасида кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам таниқли олим В.В.Радлов «Опыт словаря тюркских наречий» асарининг учинчи китобида Тоғли Олтойда яшовчи туркий халқлар тилидаги «өлен//өленк» атамаси аслида яшиллик билан боғлиқ тушунча бўлиб, кейинчалик айрим туркий тилларда қўшиқ атамасига айланганлигига далил келтирган.

Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида Искандарнинг тўйи тасвирини қаламга олар экан, ижро этиладиган қўшиқлар ҳақида «Муғанний тузиб чинга вазнида чанг, Наво чекки ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг», деб ёзган ва XV аср ўзбек маросим фольклорида «ўлан» (ўланг) атамаси никоҳ тўйида ижро этиладиган анъанавий халқ қўшиқларидан бирига нисбатан қўлланилишини қайд этган. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Рисолаи аруз" китобида ўлан жанри ҳақида шундай ёзади: "Атрок аросида бир суруд борким, "ўлан" дерлар, аксар тўйларда айтурлар, бу вазн анга мавсумдур. Аввал сурудға тақсим қилурда ҳар мисрадин сўнг "ёр-ёр" лафзин келтирурлар. Султон Ҳусайн Мирза замонида чиққан "туркий"нинг аёлғу даврининг ўзиға бу "ўлан"ни тартиб берилди, хейли рабоянда ва яхши келди».

Музайяна Алавиянинг ёзишича, ўлан Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида, айниқса, Оҳангарон тумани қишлоқларида кенг тарқалган бўлиб, никоҳ тўйи маросимининг «Қизлар мажлиси», «Қиз оқшоми», «Қиз узатар» удумларида, шунингдек, турли сайилларда, базмларда ижро этилади. Ўланни дастлаб йигитлар бошлаши, айрим жойларда ҳар бир мисрадан кейин, одатда, чолғусиз айтиладиган ўланларга «ёр-ёр» радифи қўшилганда дўмбира ёки чилдирма жўр бўлиши, ижро жараёнида тарафма-тараф бўлиб беллашиш хусусияти мавжудлиги, матннинг 11 ҳижоли бўғин тузилишига эгалиги, матнида ҳар бир мисрага "ёр-ёр" радифи қўшилиши асносида мисранинг 13 ҳижога айланиши ҳодисаси ҳам кузатилиши, бадиий воситаларга бойлиги каби жиҳатлари олима томонидан атрофлича илмий тавсифланган. Шунингдек, фольклоршунослигимизда мазкур жанрнинг этимологияси ҳақида бир неча илмий фаразлар ҳам мавжуд. Масалан, М.Алавия, Б.Саримсоқов, Н.Шомаматов каби олимларимиз «ўлан» атамасининг этимологик асоси «уламоқ» маъносидаги «ула» феълига алоқадор бўлиб, «боғлаш», «қўшиш» маъносини билдиради деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, яна "ўлан" ("олқиш") атамаси таркибида "ашула", "қўшиқ" маъносини билдирадиган қадимги туркий "ол/ул" ўзаги ётади.

Ўлан жанрига мансуб жозибадор халқ қўшиқлари Йилбоши сайли, Қизил гул сайли, Лола сайли, Наврўзгули сайлида, турли гап-гаштакларда ҳам куйлаб келинган.

Кузатишлар натижасида ўланлар икки йирик гуруҳдаги ижро ўрнига эгалиги белгиланди:

— кичик давраларда, яъни гап-гаштакларда ва киши якка қолганда эрмак учун;

— анъанавий ижро усулида икки тараф йигит ва қизлар ўртасида айтишув шаклида никоҳ тўйи маросими ва оммавий йиғинларда.

Ўланлар махсус тайёргарлик билан ижро этилиб, унга қўшимча равишда катта билим ва тажриба орқали ижро чоғида ижод ҳам қилинади. Бу эса ҳозиржавоблик ва сўзга чечанликни талаб этади. Ижро мобайнида анъанавий ўлан мисралари такрорланиб, айни пайтда янги ўлан тўртликлари ҳам яратилади:

Ҳай-ҳай қизлар, ҳай қизлар,
ойим қизлар,
Шабадага дарёнинг суви музлар,
Кўрганимга кўп ой, йиллар бўлибди.
Ўлан билан сўрашайлик,
ҳормангизлар?

— Ўланларнинг ижро услублари бошқа жанрлардан нимаси билан фарқ қилади?

— Ўланларнинг ижро усули, масалан, лапарларникига ўхшаши билан бирга, қатор фарқли томонлари ҳам мавжуд. Лапарлар асосан савол-жавоб тарзида, диалогик нутқ шаклидаги композицион қурилишга эга бўлиб, умумий ҳажми олти бандни ташкил этади. Асарнинг композицион қурилиши ҳам шу олти бандга сингдирилган. Шунинг учун ижро жараёнида тўлиқ матн ижро этилиши шарт. Акс ҳолда, мантиқий бузилиш келиб чиқади. Шу жиҳатдан ўланлар ижроси эркин, чегараланмаган. Чунки ҳар бир банд тугалланган маънога эга мустақил асар ҳисобланади:

Бисмиллосин,
Бисмиллосин ўланни ким тингласин,
Бисмиллосин ўланни бизлар айтсак,
Каптар бўйлик ана шу қиз тингласин,

деб ўланни йигит бошлаб берса, бунга жавобан қизларнинг сўзамоли:

Жарқўтон бизнинг овул Қўйтошида,
Қизларининг ўсмаси бордир қошида,
Ўланди уч кун айтсам дам тортмайин,
Ўтирасиз қимирламай ёнбошимда,—

каби мисраларни такрорлаб, айтишувни давом эттиради. Беллашувни бошлаш мақсадида айтилганлиги боис халқимизда бундай тўртликлар «бошлама ўланлар» дейилади.

Мабодо қизлардан бирови чаққонлик қилиб, йигитлардан аввалроқ ўланни бошлаб юборса, йигитлар унга бадиий сўз воситасида «танбеҳ» бериб, шундай дейишган:

Ҳаво булут бўлганда қор ташлайди,
Сипоҳилар отини ялпошлайди,
Охирзамон бўлгани мундан маълум,
Йигит туриб ўланни қиз бошлайди.

Анъанага кўра, айтишув чоғида бир марта тилга олинган тўртликни қайтариш, қўшиқ ижросида бировнинг шаънига тегадиган, ҳақоратомуз сўз ва ибораларни қўллаш, қўшиқнинг анъанавий бадиий шаклини бузиб айтиш мумкин эмас. Йигит ёки қизлардан бири ўзига қарата айтилган ўланга жавобан бирор тўртликни айтолмаса ўша томон енгилган ҳисобланади.

— Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижро йўллари, усуллари мавжудлигини кўрамиз. Ана шундай ранго-ранглик хусусида фикрлашсак...

— Юртимизнинг кўпгина ҳудудларида ёр-ёр ижроси "ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан" мисраси билан бошланиши ҳамда бу маросим қўшиғи Навоий, Бухоро вилоятларида "ўланг айтиш" деб юритилиши, шунингдек, бу жанрга оид матнларда "ўланчи қиз" ибораси кўп қўлланилиши кузатилади. Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида эса ўланлар никоҳ тўйи маросимида, йилбоши сайиллари, ҳосил байрамлари ва турли йиғинларда ижро этилган. Наманган вилоятида эса бу анъанадан бироз фарқли равишда, «ўлан» қўшиқлари асосан никоҳ тўйи таркибига кирувчи «Қиз оши» деб аталган маросимда қизлар ва йигитлар томонидан тарафма-тараф туриб ижро этилган.

Ўланнинг ижро шакли ишқ-муҳаббат мавзусидаги матнларни айтишув усулида куйлаш орқали ўзига хос сўз ўйини, сўз воситасида тортишув, баҳслашув руҳининг устуворлик қилиши билан ажралиб турган. Анъанага кўра, «Қиз оши»га келган келиннинг дугоналари ҳамда куёвнинг жўралари таом еб бўлишгач, дастурхон йиғиштириб олинган ва ёшлар катта уй ёки айвонга икки тараф бўлиб тизилиб ўтириб, жойлашишган. Янгалар бир рўмолга тугилган олма олиб кириб ўртага қўйганлар. Одатда ўлан бошловчи йигитлардан икки нафари олдинга чиқиб рўмолдаги олмадан олиб, ўлан айтишган ва шу айтилган ўлан кимга қаратилган бўлса, яъни жавоб ўлани айтиши лозим бўлган қизга қараб олма отишган. Шу тариқа олма воситасида ўланнинг навбатдаги бандини айтиши керак бўлган ўланчи аниқланган. «Бошлама ўланлар» айтилгандан кейин, тарафма-тараф бўлиб ўлан ижроси орқали беллашишга киришаётган йигит билан қизнинг ўзаро танишув, саломлашув, сўрашув мазмунидаги матнлар ижро этилган. Халқ орасида бундай бандлар «танишув-сўрашув ўланлари» деб юритилади:

Йигит:
Қарға деймян кўзингдан,
қарға деймян,
Қарға уя солади жарга деймян,
Кўрмаганга кўп вақт-ойлар ўтди,
Ўлан билан сўрашай "ҳорма" деймян.

Қиз:
Ўланларим, кўзингдан, ўланларим,
Сен бўлдинг шу дунёда гумондорим,
Сен бўлсанг шу дунёда гумондорим,
Куя-куя кул бўлади суякларим.

— Ўланларнинг матнига эътибор берсак, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, рамз, муболаға, поэтик такрор каби бадиий воситалар ғоят кенг қўлланилишини кўрамиз. Айниқса, поэтик рамзлар, яъни тимсоллар кўп ишлатилади. Дейлик, тут, тол, олма, шафтоли сўзлари поэтик тимсол сифатида қўлланилиб, севги, оила, фарзанд, бевафолик ва айрилиқ тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Ҳа, халқ қўшиқларида поэтик рамз даражасига кўтарилган тол тимсоли қўшиқларда ёрнинг сочи, фарзанд, ота-она ва висолнинг ташбеҳи вазифасида келади.

Маълумки, ўзбек мифологияси ва фольклорида тол образи муҳим ўрин тутиб, турли маросим ва урф-одатларда, ирим-сиримларда тол дарахтининг новдаси, барги ёки ёғочидан сеҳрли хусусиятли ашё сифатида фойдаланиш анъанаси мавжуд. Айрим жойларда кекса тол дарахтлари, айниқса, мозор ва муқаддас қадамжоларда, чашмалар бўйида, авлиё кишилар қабри ёнида ўсадиган толларни кесиш, уларнинг шохини синдириш мумкин эмас, деб қаралади. Тол новдаси суқилган жойда кўкариб кетавериши ва тез ўсадиган дарахт бўлганлиги сабабли унинг новдаларидан серҳосиллик тилаш билан алоқадор маросимларда ҳам фойдаланишади. Фарғона вилояти Сўх туманида «деҳқоннинг қўли енгил бўлсин» учун кетмон дастаси толдан тайёрланса, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида толдан ясалган бешикка толбаргак осиб қўйиш удуми мавжуд. Бу ўринда биринчи ҳолатда серҳосиллик ғояси илгари сурилган бўлса, бойсунликлар одатининг замирида чақалоқ ҳам тол каби тез ўсиб, вояга етсин, деган эзгу қараш ётади. Ўланларда муайян нарсаларнинг толга қиёсланиши эса толнинг халқ лирикасида севги, оила, фарзанд тушунчалари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Ўзбек халқ ўланларида «тол» поэтик детали «тол чивиқдай» бирикмаси таркибида қўлланилганида гўзал ёрнинг нозик қадду бастини тасвирлашнинг бадиий воситаси вазифасида келади. Қуйидаги ўланда келтирилган «Ёз бўлса қовун пишар тўр олишиб» мисраси рамзий маънода етуклик, пишиқчилик, мўл ҳосил тимсоли сифатида инсон умрига ташбеҳ қилинади ва полиздаги қовунларнинг «палаги палагига ўралашиб» ўсиши умрнинг саодатли дамлари — тўй-ҳашамлар, халқ сайиллари, байрамларда қиз-жувонларнинг ҳамжиҳат бўлиб, тўпланишиб хурсандчилик қилишига ўхшатилган. Бу ўринда уларнинг «Беллари тол чивиқдай буралиб» рақс тушиши аёл гўзаллигининг ўзига хос бадиий талқини ҳисобланади:

Ёз бўлса қовун пишар тўр олишиб,
Палаги палагига ўралашиб,
Қиз, келинлар ўйнайди
тўй бўлганда,
Беллари тол чивиқдай буралишиб.

Халқимизнинг гўзаллик ҳақидаги бадиий-эстетик қарашларига кўра, кишининг зоҳирий (ташқи) ва ботиний (руҳий-маънавий) гўзаллиги орасида мутаносиблик мавжуд бўлгандагина у ҳақиқий гўзал шахс ҳисобланади. Қуйидаги ўланларда ташқи кўриниши, ҳусну латофати ғоят чиройли бўлган келинчакнинг одоб-икромли эканлиги, айниқса, оила аъзоларига, жумладан, турмуш ўртоғига ҳурмати ва меҳр-муҳаббати яққол намоён бўлиб туриши унинг «тол чивиқдай буралиб» турган нозикниҳол сурати мисолида тасвирланган:

Оволайлар деганда, оволайлар,
Йўқчилик эр йигитнинг қўлин бойлар,
Армон билан олганинг бўлса яхши,
Тол чивиқдай буралиб отинг бойлар.

Жез қайиқман бўз қайиқ сув кечади,
Кўклам бўлса сурилиб эл кўчади,
Эр йигитнинг олгани яхши бўлса,
Тол чивиқдай буралиб уй чечади.

Ҳар бир халқнинг ўз кийиниш маданияти ва миллий кийимларининг мавжудлиги менталитетнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бизда ҳам урф-одатлар, кийим-кечаклар билан алоқадор анъаналарга содиқ қолинган ҳолда миллий либослар ва каштачилик санъати доимо қадрланиб келинган. Шунинг учун ҳам халқ лирикасида, хусусан, ўлан жанрига оид қўшиқларда рўмол ва белбоғ рамзи кўп учрайди.

Халқимиз белида белбоғи бор эркакка ўз ғурурини сақловчи эр, оиланинг устуни, хонадоннинг ор-номуси учун жавобгар шахс деб қарайди. Республикамизнинг айрим ҳудудларида аза маросимларида эркаклар билан бирга марҳумга яқин аёллар ҳам белини боғлайди. Бу эса шу оиланинг устуни ёки яқин кишисидан айрилганлик маъносини англатади.

Ўланларда кашта солиб тикилган рўмол деталининг кўп қўлланилишига сабаб шуки, одатда қизлар томонидан йигитга совға қилинган чорси, белбоғ, рўмол ва рўмолчаларга турли хил нақш ва гуллар шакли кашта усулида тикилган бўлиб, бундай нақш ва кашталар туширилган рўмоллар кўпроқ севги, муҳаббат рамзи сифатида тақдим этилган. Бу тимсоллар ўланда ҳам ўз аксини топган:

Бошингдаги рўмолинг сер каштали,
Аканг бўйдоқ, ёри йўқ сирлашгали,
Деразангдан бўйлай десам,
энанг уйғоқ,
Интизорман икковлон сўзлашгали.

Маълумки, рўмол қиз-жувонларнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бош кийими ҳисобланади. Агарда рўмолга турли хил чиройли гуллар туширилган бўлса бу гўзаллик янаям ортади. Шу маънода «Бошидаги рўмолнинг тўрт гули бор» бўлган қизнинг кўприкдан ўтказиб олишни сўраши сойнинг нариги соҳилида яшовчи йигитга кўнгли борлигини англатади. Халқ қарашлари ва мифологияда ***кўприк*** нафақат икки соҳилни, балки рамзий маънода икки оламни ҳам ўзаро бирлаштирувчи восита деб қаралади:

Бошимдаги рўмолим тўрт гули бор,
Кўприк солиб, сойингдан ўтказиб ол,
Ихтиёринг, кўнглинг менда бўлса,
Мўлжаллаган ерингга етказиб ол.

Баъзи қўшиқларда қиз боланинг бошига рўмол ўраши унинг оила қурганлигини билдирувчи поэтик восита вазифасида ҳам келади. Чунки ўзбекларда бирор оилага совчи бўлиб боришдан аввал «Фалончи қизининг боши бўшми?» деб сўраш одати ҳам бор. Оиласи бўлмаган аёлга нисбатан ҳам «боши бўш» ибораси қўлланилади. Совчилар қиз тарафни рози қилганларидан кейин ёшларни «фотиҳа қилиб қўйиш»ни айрим жойларда «рўмол боғлаш» деб ҳам атайдилар. «Алпомиш» достонида Қоражоннинг онаси Барчинга совчи бўлиб бориши мотивида ҳам шу одат ўз ифодасини топган:

Қозонда қайнаган ширбоз гўшмиди?
Шу қизингнинг айтчи боши
бўшмиди?

Ko‘hna ohanglar

Гар бўш бўлса,
дарвозангдан мўралаб,
Келин қилиб бошига рўмол ўрайин.

Қоражоннинг онаси Сурхайил кампир тилидан айтилган бу матнда халқимизнинг «рўмол боғлаш» удуми ҳақида сўз юритилган.

Қуйидаги ўлан қўшиғида қизнинг «рўмолини бошига ўраши» унинг оила қурганлигини билдиради. Кесилган толнинг «боши тубан кетиши» эса йигит билан қизни бирбирига боғлаган муҳаббат ниҳолининг боши ҳам бўлиб, бевақт ўсишдан тўхтаган (яъни кесиб ташланган) дарахт каби завол топганлигини англатади:

Рўмолингни бошингга ўрай солдинг,
Боши тубан кетади кесган толнинг,
Ойдай, кундай бетингга яра солиб,
Бормикан хосияти қўйган холнинг.

Хуллас, ўзбек халқ ўланларида қўлланилган рамзлар матннинг бадиий жиҳатдан янада сайқалланиши ҳамда мисралараро мусиқий оҳангдорликни теранлаштиришга хизмат қилади.

— Ўлан ўзининг тарихий-генетик асосларига кўра туркий халқлар лирикасининг "өлең" (туркман), "өлең" (қозоқ), "йөлөн" (уйғур) каби жанрлари билан муштарак хусусиятларга эга. Ушбу жанрларнинг қиёсий таҳлили хусусида тўхталсангиз.

— Туркий халқлар фольклорининг ўланга ўхшаш жанрлари фақат атамаларининг уйқашлиги, яъни этимологик жиҳатдан ягона лисоний асосга боғланишидан ташқари, ижро усулининг айтишув характерига эгалиги, поэтик қурилишининг 11 ҳижоли шеър шаклида оммалашганлиги ва тарихан никоҳ тўйи маросими билан алоқадорлиги, ижро ўрни ва ҳаётий-маиший қамровига кўра ҳам муштарак хусусиятларга эга. Фарқли жиҳати эса, масалан, "*қара өлең*"нинг ижро жараёнида асосий матнга бевосита алоқадор бўлмаган нақоратларнинг қўшиб айтилиши ҳолати мавжуд. Ижрочилар бундай "қўшимча айтимлар"ни "*қайырым*", "*қайырма*" деб юритадилар.

Қозоқ фольклоридаги "өлең" деб аталувчи поэтик матнлар ўзининг жанрий хусусиятларига кўра, урф-одат ва маросимлар, касб-ҳунар ва меҳнат, халқнинг ишончэътиқодлари ҳамда лирик өленларга бўлинади. Лирик өленларнинг ҳам икки — а) қара өлең; б) тарихий өлең сингари тури мавжуд. Қозоқ фольклоридаги "*қара өлең*" жанри ҳаётнинг моҳияти, орзу-истаклар ва севги-муҳаббат билан боғлиқ кечинмаларни поэтик сўз воситасида ифода қилувчи лирик жанрлардан бири. Бу қўшиқ тури номидаги *қара* лексемасининг, семантик қамрови қозоқ тили лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, бу сўз иштирокида ясалган *қара жер, қара шаңырақ қара сөз, қара домбыра* сингари атама ҳамда тушунчалар қозоқ тилида кўп қўлланилади. "*Қара өлең*" атамасидаги "*қара*" сўзининг "муқаддаслик", "буюклик", "улуғлик" каби маъноларни англатишини ҳисобга олсак, бу атама "қадимги даврларда яратилган муқаддас қўшиқ" маъносини билдиради.

Шунингдек, "*қара өлең*" ҳам вазифа ва ҳолат билан боғлиқ ҳолда мусиқа асбоби жўрлигисиз айтишув тарзида ёки дўмбира чалиб туриб, тарафма-тараф бўлиб айтилиши билан характерланади:

Базардан алып келген шай тостаған,
Тар жерде қиын екен ең тастаған,
Шешеңнен сені тапқан айналайын,
Бәйгеден келген кердей ойқастаған.

Бизнинг ўланларимиз ижросида ҳам худди шундай анъанавий поэтик формула ҳолига келиб қолган бадиий конструкциялардан фойдаланиш ҳолати кузатилади:

Тошкентнинг бир бозори
кунда савдо,
Суви бор Чирчиқ деган боши товда.
Яхши билан турмуш
қилсанг умринг фойда,
Ёмон билан турмуш
қилсанг кунда ғавғо.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

МУРҒАК ҚАЛБЛАРДА НАВРЎЗ СЕҲРИ

Дарахтларнинг куртаклари бўртиб, қуёш нурларида эркаланиб эсаётган енгил насим билан юзлашган ғунчалар парвоз учун шайланган қушга ўхшайди. Бодомзору ўрикзорлар худди ҳарир либос кийган келинчаклар сайлини ёдга солади. Наврўз умумхалқ байрами ана шундай мўъжизавий гўзаллик оралаб юртимизга қадамранжида қилди. Бугун юртимизнинг барча гўшасида Янги кун — янги тонг шукуҳи кезиб юрибди.

Айниқса, мустақиллик шарофати билан қад ростлаган замонавий иншоотлар: намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уйлар ҳамда уларга кўрк бағишлаб турган болалар мусиқа ва санъат мактабларида баҳорий шодиёна ўзгача тароватда қарши олиниб, айём сурури кўчаларнигина эмас, қалбларни ҳам қуршаб олмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилиши ҳамда фаолияти йўлга қўйилишини таъминлаш борасидаги ишлар ривожида муҳим дастуриламал бўлаётир. Ҳозир мамлакатимизда фаолият юритаётган 300га яқин болалар мусиқа ва санъат мактабларида 52 минг нафардан зиёд ўқувчининг санъатга бўлган меҳри парваришланмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 24 февралда қабул қилинган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, 10—25 март кунлари республикамиздаги барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида Наврўз байрами кенг нишонланди. Байрам баҳонасида ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, улар байрам дастурхонига таклиф этилди. Бундай хайрли амаллар униб-ўсиб келаётган болаларимиз қалбида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Ана шундай ҳаяжонга тўла байрам Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ўтказилди. «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» деб номланган шодиёнада мазкур муассасада ташкил этилган иқтидорли ўқувчилардан иборат ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган театрлаштирилган байрам дастурини ота-оналар, маҳалла фаоллари, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болажонлар завқ билан томоша қилди.

— Наврўз ўз номи билан янгиланиш айёми, — деди мактаб директори Иброҳим Мақсудов шогирдларининг фаоллигидан мамнун бўлиб. — Унинг халқимиз севган байрамлардан бирига айлангани бежиз эмас. Янги бинога кўчиб ўтганимизга уч йил тўлган бўлса-да, бу йилги Наврўзни ҳар доимгидан ўзгача кайфиятда кутиб олаяпмиз. Ўқувчиларимиз томонидан тайёрланган ҳар бир саҳна кўриниши, куй-қўшиқ ва рақслар ота-оналарнинг, синчков томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

150 ўринли, II ТИП асосида қурилган мусиқа мактабимизда 6та фортепиано, анъанавий хонандалик, тасвирий санъат, хореография, театр ҳамда ўзбек халқ чолғулари бўлими фаолияти йўлга қўйилган. Санъатга ошуфта ёшларга 43 нафар мутахассис устозлик қилмоқда. Мураббийлар орасида профессор Қўлдош Мамиров, таниқли рассом Мирмаҳмуд Мирабдуллаев, Тоҳир Файзиев сингари ўз касбининг усталари бор.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2011 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган муассаса биносида 200 ўринли концерт зали, 20та ўқув хонаси, ахборот-ресурс маркази ва овоз ёзиш студияси учун хона мавжуд. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар турли кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, БМСМ битирувчиси Диёр Олимжонов Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика кўрик-танловида най йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги академик лицейга қабул қилинди.

Диёр сингари иқтидорли ўқувчилар кўплиги ўқитувчиларга ҳам илҳом бағишлайди, албатта. Ана шу ёшлар Наврўз байрамига бағишланган тадбирда ҳам ўз истеъдодини намойиш этишди. Фольклор ўйинлари, миллий мусиқаларимизга асосланган рақслар, варрак учириш, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш мусобақалари кечага янада файз олиб кирган бўлса, ўқувчилар тайёрлаб келган баҳор таомлари меҳмонларга тортиқ этилди.

— Мактаб жамоаси Наврўз байрамига пухта ҳозирлик кўрибди, — деди маҳалла фаоли Шаҳло Абдуллаева. — Фарзандим Жаҳонгир Ҳусанов ҳам ушбу мактабда доира йўналишида таҳсил олаяпти. Ҳозир унинг тенгдошлари билан бирга чиқишини ҳузурланиб томоша қилдим. Байрамга таклиф этилганимда бу даражада ташкил этилишига ишонмагандим. Байрам дастури ва мактабда яратилган шароитларни кўриб уларга ҳавасим келди. Наврўз барча юртдошларимизга мана шундай кўтаринки кайфият бағишлаб, эртанги кун умидини мустаҳкамлашига ишонаман.

Тадбирда ўқувчилар ижодига доир «Моҳир қўллар» кўргазмаси ҳам ўтказилди. Унда қизлар баҳорга бағишлаб тиккан сўзаналари, кашталари, болалар эса кўкламой манзаралари акс эттирилган расмлари билан иштирок этди.

...Наврўз байрами пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ўзгача соғинч билан кутиб олинди. Бу ерда 10га яқин йўналиш бўйича 300 нафар ўқувчи таҳсил олаётир. «Наврўз оҳанглари» дея номланган байрам дастурини болажонлар ҳудуддаги маҳаллалардан ташриф буюрган отахону онахонлар эътиборига ҳавола қилдилар, дилбар қўшиқлар янгради, жажжи қизалоқлар рақсга тушди. Мухтасар айтганда, Наврўз сеҳри асрий анъаналаримиз, миллий урф-одатларимиз ва эзгу ўйхаёлларимиз қанотида болаларимиз қалбидан чуқур ўрин олмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma’rifat» мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

ЯНГИ НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 1-MRT–ЯН-2013

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни янги нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: 100159 Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Янги нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади қуйидаги жадвалда берилган:

Лот рақами	Қўлланма номи	Тили	Адади	Максимал нархи
		2-синф		
1	Инглиз тили дарслиги	ўзбек-қардош тилларда	475 822	2 618,6
		рус тилида	66 792	2 791,7
		қорақалпоқ тилда	9 859	4 152,2
2	Немис тили дарслиги	ўзбек-қардош тилларда	18 751	3 704,8
		рус тилида	533	22 795,0
3	Француз тили дарслиги	ўзбек-қардош тилларда	16 698	3 793,9
		рус тилида	502	23 661,1
4	Инглиз тили машқ дафтари	ўзбек-қардош тилларда	475 822	1 024,2
		рус тилида	66 792	1 243,5
		қорақолпоқ тилида	9 859	1 556,5
5	Немис тили машқ дафтари	ўзбек-қардош тилларда	18 751	1 526,0
		рус тилида	533	9 399,8
6	Француз тили машқ дафтари	ўзбек-қардош тилларда	16 698	1 548,1
		рус тилида	502	9 925,1
7	Инглиз тили ўқитувчи учун методикаси	барча тиллар учун ягона	19 949	2 350,9
8	Немис тили ўқитувчи учун методикаси	барча тиллар учун ягона	1 198	5 048,7
9	Француз тили ўқитувчи учун методикаси	барча тиллар учун ягона	936	5 219,1
		5-синф		
10	Инглиз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 490,4
11	Немис тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	2 314	3 543,0
12	Француз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	1 619	4 144,9
		6-синф		
13	Инглиз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 614,6
14	Немис тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	2 314	3 672,5
15	Француз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	1 619	4 172,0
		8-синф		
16	Инглиз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 453,6
17	Немис тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	2314	3 617,5
18	Француз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	1619	4 237,9
		9-синф		
19	Инглиз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	18510	2 131,3
20	Немис тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	2314	3 076,1
21	Француз тили ўқитувчи учун методика	барча тиллар учун ягона	1619	3 490,5
		2-синф		
22	Русский язык	ўзбек ва қардош тиллар учун	521130	1 614,4
	Русский язык методика	ўзбек, қорақалпоқ тиллари учун	17368	2 244,6
		3-синф		
23	Русский язык	ўзбек ва қардош тиллар учун	477490	1 776,9
	Русский язык методика	ўзбек, қорақалпоқ тиллари учун	17784	1 759,2
		8-синф		
24	Русский язык	ўзбек ва қардош тиллар учун	446975	1 618,8
	Русский язык методика	ўзбек, қорақалпоқ тиллари учун	17348	1 849,7
		9-синф		
25	Русский язык	ўзбек ва қардош тиллар учун	451901	1 616,3
	Русский язык методика	ўзбек, қорақалпоқ тиллари учун	18399	1 826,7

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус № 23 402 000 300 100 001 010 (ХКХМ Марказий банк Бош бошқармаси МФО: 00014 ИНН: 201 122 919 ш/ҳр 401 410 860 262 667 950 100 075 001 ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2014 йил 26 мартдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклиф умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси (закалат сумма Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус ҳ/р 23 402 000 300 100 001 010, ХКХМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014 ИНН: 201 122 919, ш/ҳр 401 410 860 262 667 950 100 075 002, ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300 ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт ёки эквивалент суммага хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолат хати) билан бирга 2014 йилнинг 25 апрель куни соат 14:00 га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кечиккан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2014 йил 25 апрель куни соат 15:00 да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг I боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишнинг охирги муддатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолатда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган муддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдоларига 1-синфлар учун "Математика", "Математика дафтари", "Одобнома", "Тасвирий санъат" ва "Жисмоний тарбия" ҳамда 3-синф "Мусиқа" дарсликларининг максимал нархига ўзгартириш киритиш тўғрисида эълон

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2014 йил 20 мартдаги "Ma'rifat" газетасининг 23-24-(8673)-сонида берилган эълонда 1-синфлар учун "Математика", "Математика дафтари", "Одобнома", "Тасвирий санъат" ва "Жисмоний тарбия" ҳамда 3-синф "Мусиқа" дарсликларига белгиланган максимал нархлар қуйидагича ўқилсин.

Лот №	Қўлланма номи	Тили	синф	Адади	Бир дона дарсликнинг максимал нархи (Сўмда)
5	Математика	ўзбек	1	498 270	2 530,41
		рус	1	67 827	2 807,52
		қорақалпоқ	1	11 318	4 615,47
		қозоқ	1	6 177	6 346,85
		тожик	1	5 832	6 572,39
		қирғиз	1	904	28 485,25
		туркман	1	998	26 358,58
6	Математика дафтари	ўзбек	1	498 270	893,38
		рус	1	67 827	1 018,81
		қорақалпоқ	1	11 318	1 718,00
		қозоқ	1	6 177	2 226,42
		тожик	1	5 832	2 304,19
		қирғиз	1	904	9 985,98
		туркман	1	998	9 132,15
8	Одобнома	ўзбек	1	498 270	949,04
		қорақалпоқ	1	11 318	1 546,55
		қозоқ	1	6 177	1 964,70
		тожик	1	5 832	2 122,64
		қирғиз	1	904	8 559,48
		туркман	1	998	7 854,15
11	Тасвирий санъат	ўзбек	1	498 270	636,71
		рус	1	67 827	1 095,61
		қорақалпоқ	1	11 318	1 215,16
		қозоқ	1	6 177	2 134,36
		тожик	1	5 832	2 201,93
		қирғиз	1	904	8 869,25
		туркман	1	998	8 042,00
12	Жисмоний тарбия	ўзбек	1	498 270	862,51
		рус	1	67 827	990,77
		қорақалпоқ	1	11 318	1 353,83
		қозоқ	1	6 177	1 870,50
		тожик	1	5 832	1 926,75
		қирғиз	1	904	7 464,09
		туркман	1	998	6 910,88
31	Мусиқа	ўзбек	3	452 489	1 552,96
		рус	3	61 455	1 835,54
		қорақалпоқ	3	9 880	3 153,94
		қозоқ	3	5 810	4 383,86
		тожик	3	7 404	3 669,90
		қирғиз	3	893	19 028,77
		туркман	3	1 014	16 941,94

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЛАР — МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида ушбу муаммонинг ҳам ечими кўрсатиб берилди: **"Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши,**

ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади".

Компьютер болаларимиз қўлларидаги миллий қўғирчоқ, ўйинчоқларни тортиб олишга интилаётир. Айниқса, жангари ўйинлар оламига боғланган ўсмирнинг қизиқиш доираси тораяди. Уни келажак, ҳаёт, Ватан, ўқиш, спорт, санъатнинг ранг-ранг олами эмас, жангари ўйинларнинг жангари олами "ютиб юборади". Аста-секин реал ҳаётга виртуал ҳаётдан олган жангари хулосалари билан қарай бошлайди. Унинг ниятларида асоссиз жиззакилик, тундлик, совуққонлик ғолиб бўла боради. Бу эса синфдошлари, қўшнилари, тенгдошлари билан муносабатларини бузади. Энг ёмони — атрофида бўлаётган ўзгаришларга, янгиликларга, ўзининг, халқининг, Ватанининг келажагига лоқайд бўла боради.

Миллий ўйинларимиз — болаларни ҳаётга тайёрловчи беназир мактаб. Болалар 6-7 ёшдан бошлаб тенгдош, тенгқурлари билан ҳаракатли ўйинлар ўйнайди. Ўйинлар давомида инсоний муносабатлар, атроф-муҳит ҳақида маълумот олади. Муносабатларнинг ўзига хос "мактаб"идан ўтади. Кичик болалар акаларидан ўзларини ўғил болача тутишни, қизчалар опаларидан у ёки бу вазиятларда қиз бола ўзини қандай тутиши кераклигини ўрганишади.

Болалар ўйнаётиб, инсонларга хос кўплаб ижобий фазилатларга ҳам, салбий қилиқларга ҳам дуч келади. Ёмонликнинг оқибатларини ўз даражаси ва даврасида кўради. Интизомлилик, уюшқоқлик, иродалилик, қийинчиликларга чидаб, енгиб ўтишни, бошлаган ишни охирига етказишни, мақсадга етиш учун бор кучини ишга солишни ўрганишади. Бирлашиб ҳаракат қилишни, курашишни, қийналиб бўлса-да, ғалабага эришишни машқ қилиб, чиниқиб, тобланиб боришади.

Миллий ўйинларимиз болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини бойитади. Улар минг йиллар давомида ота-боболаримизни абжир, чиламли, иродали, довюрак қилиб тарбиялаган. Чунки ўйин орқали турли шартли ҳаётий тўсиқларни, "рақиб"ларни ўз кучи билан енгиб ўтишга ўргатилган. Мардлик мақталиб, ғирромлик қораланган. Хулласа, ўйинлар — болаларни катта ҳаётга тайёрлаш, курашишга, енгишга ўргатишнинг ўзига хос машқларидир. Демак, миллий ўйинлар болани миллат фарзандига айлантиришнинг муҳим омилларидан бири экан.

Доно халқимиз болаларнинг ёшига, жинсига мос, ўнлаб ўйин турларини ижод қилган. Олимлар уларни буюмли ва буюмсиз ўйинлар, доимий ва мавсумий ўйинларга бўлишади. "Яшин-топалоқ", "Пакка", "Қора кўрдим", "Оқ суяк", "Қувлашмачоқ", "Яшинмачоқ", "Тўп отиш", "Лаппак", "Беш тош", "Хола-хола", "Бобо така", "Оқ теракми-кўк терак", "Чори чамбар", "Шапалак" ва ҳоказо. Фарғона водийси, Хоразм, Самарқанду Сурхондарё, Қорақалпоғистон болаларининг ўзига хос ўйинлари бор.

Ўзликка содиқликда гап кўп экан. Мустабид шўролар даврида ҳам халқимиз ўзининг миллий ўйинларини сақлаб қолди. Бугун жаҳон уларни ўрганишга келаётир! Бир муаллим айтиб берган мисол: япон педагоглари ўсмирларининг фақат компьютер ўйинларига берилиб, ҳаракатсизликдан соғлиқларини, маънавий таҳдидлардан ўзликларини йўқотаётганини кўриб, чора қидира бошлашибди. Чунки бу — миллат келажагини хавф остига қўйиши мумкин. Улар ёш япон авлоди соғлиғини сақлаб қолиш давосини излай-излай... Ўзбекистондан топишибди. Шаҳару қишлоқларимизни кезиб, болаларимиз ўйнайдиган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб, олиб кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатишаётган экан. Сабабини сўрашса, "Замонавий болалар ўйинлари ҳаддан ортиқ технократлашиб кетган. Уларда инсоний руҳ, жозиба, завқ, туйғулар кам. Шу боис болалар ҳаракатли ўйинларга қизиқишмаётир. Инсоний руҳ, жозиба, завқ, туйғуларнинг бариси ўзбек халқ болалар ўйинларида бор экан", дебди бир япон педагоги...

...Ҳурматли ота-она! Болаларингиз қандай ўйинларни ўйнашади? Биласизми?

(Давоми бор.)

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

«ОҚ СУЯК» — БОЛАЛАРНИНГ БАҲОРИЙ МУЖДАСИ

Баҳорнинг илк кунлари адир этагида болалар тўпланиб, "оқ суяк"ни бошлаб юборишди. Атрофга кеч тушгач, тайинланган бошлиқ қўлига суякни олиб, "Топган ютуқни олади", деб уни олислатиб отди. Болалар "Ҳув етди, ортидан фалончибой (ҳар ким ўзининг исмини айтиб) югуриб кетди", деганча кўкда "парвоз қилган" суяк изидан диққат билан тикилиб тургач, тушган жойини мўлжалга олиб чопди.

— Ашур,
Суякни топсанг,
Бошлиққа чоп-да,
узоққа от!
Изғирин қочсин!
Кўкламнинг иссиғи
қўйнини очсин!
Суякни топ,
суякни...

Шу пайт кимдир гап қўшди:

— Топган айтиб ўтирадими, баковулга қичқиради.

— Баковулга етгунча, қўлидан тортиб оламиз.

— Қўлидагини бериб қўйса, оқ суяк ўйнармиди?!

— Тортиб ололмасак, оқсуяк ўйнармидик.

— Ҳа, кўрамиз.

Ўн дақиқалар ўтгандан сўнг бир бола бирдан қичқирди:

— Топдим, мана!

— Топдингми, Шукур?

Болалар унинг қўлига ёпишди, Шукур суякни бермасликка тиришиб, қўшқўллаб тутганча, тўдадан чиқишга уринарди. Болалар унинг гоҳ қўлидан енгил қайирар, гоҳ олдини тўсиб, баковулга томон ҳаракатланишига тўсқинлик қилар, Шукур эса бор кучини йиғиб, ерга ярим энгашган кўйи уларни четга суриб борарди. Шукур чамаси ўн метрлар юргач, бирдан тўдани ёриб чиқди. У суякни маҳкам чангаллаб, бошлиқнинг олдига бамисоли учгудек югурди. Ортидан болалар қувди.

Шукур сўнгакни баковулга топширгач, энди уни улоқтириш учун шайланди. Суякни маҳкам қисиб шундай улоқтирдики, болалар анграйиб қоларди.

— Қиш узоққа кетди, — деди баковул атрофга мағрур тикилиб. — Энди тунлар ҳам кундай ўтади. Қиш тунини ҳайдадик, баҳорнинг кунига етдик...

...“Оқ суяк” ёки “Сўнгак” ўйини ҳақидаги маълумотлар тарихий асарларда тилга олинган. Бугунги кунга қадар воҳада кенг тарқалган бу ўйин болаларнинг аждодларга ҳурмат, қадриятларга эҳтиром руҳида ҳамжиҳат, жипс ўсиб-улғайишларида катта ўрин тутади. Айни кўклам кезлари Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига йўлингиз тушса, болаларнинг йиғилиб оқ суяк ўйнаётганига гувоҳ бўласиз. Бу қайсидир маънода болаларнинг оламга баҳорий мужда-си ҳам.

Олимжон ЖУМАБОЕВ

Бахмал тумани

Бошлиқ қўлини белига қўйиб кулди:

— Эрталабгача излаб ҳам топиб бўлмайди.

Болалар чамаси олтмиш-етмиш метр югуриб тўхташди-да, атрофга аланглаб, қоронғилик ичида сўнгакни қидиришга тушди. Тақир ерларда эндигина ўт-ўлан бош кўтараётгани учун бир ҳисобдан сўнгакни топиш осондек туюлар, бироқ тоғ этаги тошлоқ, айниқса, ялпоқ оқимтир тош кўплиги болаларга анча қийинчилик туғдирарди.

Шу тобда болалар ерга энгашиб, ҳар бир тошни қўлига ушлаб кўриб, суякни топишга қаттиқ бел боғлашган, ҳатто зерикмаслик йўлини қилиб, айтишувни бошлашди:

«ХАЗИНА ДАРАХТИ» КЎПАЙТИРИЛСА...

Ёнғоқ дарахти тўйимли ва шифобахш меваси билан фойдали ҳисобланади. Мағзидаги оқсил, дармондори ва минераллар инсон саломатлигини мустаҳкамлайди. Шу боис халқимиз уни "хазина дарахт" деб атайди.

Халқ табобатида турли касалликларни даволашда ёнғоқ дарахти пўсти, барги, мевасидан кенг фойдаланилади. Хусусан, Абу Али ибн Сино ёнғоқ барги ширасини илиқ ҳолда томизиб, қулоқ ичи яраларини даволаган. Мева пўстлоғи қайнатмасидан аёлларда қон кетишини тўхтатишда фойдаланган. Шунингдек, қайнатилган барги ревматизм, рахит ва гижжа касалликларига барҳам берувчи малҳам эканини айтиб ўтган. Хом меваси пўстлоғидан ажралиб чиққан шира беморлардаги экзема, дерматоз ва бошқа тери касалликларига барҳам беришда қўлланади.

Бундан ташқари, дарахтлар орасида бўй кўрсатиб турган ёнғоқ баргидаги юглон моддаси ёнидаги ўсимликларга тушган бактериялар, қурт-қумурсқа, зараркунандаларга қарши курашда муҳим биоусул экани билан ҳам аҳамиятлидир. Халқимиз унинг баргидан гилам, кўрпа ва бошқа буюмлар орасига солиб, турли ҳашарот ва куяларга қарши фойдаланиб келишган.

Юртимизда баҳор. Табиатда уйғониш, яшариш руҳи кезмоқда. Боғбону деҳқонларимиз, қишлоқ аҳли — ҳамма ер юмшатиш, ободончилик, гул экиш, дарахт парвариши, кўчат ўтқазиш юмушларига киришди. Бугун юртимизнинг кўча-хиёбонлари, ташкилот ва муассасалар ҳудудларига турли манзарали, ҳовли-хонадонларга мевали дарахтлар ниҳоллари экиш айни авж палласига кирган пайт. Кўча ва хиёбонларга эзгу ният билан экилажак кўчатлар орасига ёнғоқ ниҳолини ҳам ўтқазиш лозим. Боиси, у бошқа дарахтлар каби меваси пишиб етилгач, ерга тўкилиб, санитар ҳолатни ёмонлаштирмайди. Аксинча, атрофда кўкариб турган дарахтларга зараркунанда тушишининг олдини олади. Қолаверса, болажонлар дарахт тагига тушган барглар орасидан ёнғоқ теради, эл дастурхони ушбу шифобахш неъматга тўлади.

Шаҳриддин УМИРОВ,
Иштихон туманидаги
87-мактаб директори,
Халқ таълими аълочиси

Ma'rifat
2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

Tabiat va inson

МОВИЙ ДЕНГИЗ СИРЛАРИ

Дунё харитасига кўз югуртирар эканмиз, унинг асосий қисми, яъни 70 фоиздан ортиқроғи сув билан қопланганига гувоҳ бўламиз. Денгиз ва океанлар бир-бири билан бўғозлар орқали туташган бўлиб, биргаликда дунё океанини ташкил этади. Океанларнинг соҳилбўйи ёки чекка қисмлари одатда денгизлар деб юритилиши маълум. Илмий изланишларда, денгиз ва океанларда ҳаёт 3,1-3,4 миллиард йил илгари пайдо бўлганлиги келтирилган. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, Ер юзидаги сувларнинг 97,2 фоизи шўр, 2,15 фоизи музлик, 0,65 фоизи кўл ва дарёлардаги чучук ичимлик сувидир.

Она заминда яшаётган инсонларнинг ҳаёти денгиз ва океанлар билан узвий боғлиқ. Атмосферадаги намликнинг асосий манбаи мазкур сув ҳавзалари юзасида бўладиган буғланишдир. Сабаби, уларнинг юзасидан буғланаётган сув худди айланма ҳаракат орқали яна ёмғир, дўл, қорга айланиб ерни суғоради. Шунингдек, улар кислород етказиб берувчи асосий манба ҳисобланади. Академик В.И.Вернардскийнинг таъбири билан айтганда, сувнинг географик қобиқдаги ишини миқдор жиҳатдан қуёш радиацияси билан таққосласа бўлади, сифат жиҳатидан эса унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Денгизларнинг айримлари қуруқлик ичкарисига анчагина кириб боради. Қора ва Азов денгизлари шулар жумласидан. Денгизлар географик ўрни ва гидрологик режими хусусиятларига кўра 3 гуруҳга бўлинади: материк орасидаги денгизлар (улар жуда чуқур бўлади, масалан, Ўрта, Кариб, Қизил денгизлари), материк ичкарисидаги денгизлар (Оқ денгиз, Болтиқ денгизи, Қора денгиз ва бошқалар) ва чекка денгизлар (Япон денгизи, Шимолий денгиз кабилар). Энг чуқурлари Ер пўстининг ёрилган жойларида ҳосил бўлган. Бунга мисол қилиб 5121 метр чуқурликка эга Ўрта денгиз, энг чуқур жойи 7090 метр бўлган Кариб денгизини келтириш мумкин.

Буюк географик кашфиётлар учун асос бўлган тадқиқот ишларининг амалга оошишида денгизларнинг хизматини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Сув транспортининг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти эса беқиёс. Шу мақсадда дунёдаги кўплаб дарёлар каналлар орқали бир-бири ва денгизлар билан туташтирилган. Бугунги кунда бутун дунёда ташиладиган юкларнинг 80 фоизга яқини денгиз ва океанлар орқали амалга оширилади.

ДЕНГИЗ СУВИ НЕГА ШЎР?

Денгиз сувининг шўрлиги океанникидан анча фарқ қилади. Тупроқдаги тузларни ёмғир сувлари ювиб, аввал дарёга, сўнг денгиз ва океанларга элтади, шунинг учун ҳам туз захираларининг катта миқдори океан сувида мавжудлиги аниқланган. Денгиз сувидан ош тузи ҳам олинади.

Дунёдаги энг иссиқ денгиз дея Ҳинд океанидаги Қизил денгиз (бошқача номи Ўлик денгиз) эътироф этилади. Шунингдек, у иссиқ қумликлар билан ўралганлиги учун жуда шўр, тирик мавжудот ҳам жуда кам. Бу денгиз ўзининг тиниқлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг шаффофлигидан 10 метр чуқурликда ҳаракатланаётган ҳайвонни ҳам бемалол кўриш мумкин. Қизил денгиз дея ном олиши эса жигарранг сувўтлари билан боғлиқ.

Жазирама ҳарорат сувнинг тез буғланишига сабаб бўлади, натижада унинг кўп миқдори ҳавода парланиб, тузи эса денгиз сатҳида қолиб кетади. Аслида, буғланиш миқдори келиб қуйиладиган чучук сувдан кам бўлса, шўрлилик даражаси ҳам паст бўлади. Буғланмай қолган ортиқча сув денгиз юзасидан океанга чиқиб кетади. Ёки аксинча, агар буғланиш чучук сувдан ортиқ бўлса, денгизларнинг шўрлилик даражаси ҳам юқори бўлади. Бунда ортиқча буғланиш натижасида денгиз сатҳи пасаяди ва океандан сув оқиб келади.

Ер куррасида ўзининг ғаройиб хусусиятлари билан ажралиб турувчи денгизлар ҳам мавжуд. Мисол учун, Атлантика океанининг Шимолий Америка соҳиллари яқинида жойлашган дунёдаги энг катта денгиз ҳисобланмиш Саргассонинг соҳиллари йўқ. Сабаби, унинг юзаси саргассо ўтлари билан қопланган. Ўсимликлар оқим бир жойда тўпланиб туришини ҳисобга олган ҳолда фақат денгиз атрофида муқим жойлашган. Шунингдек, сувўтларининг ҳар бирида кўз илғамас мева бордек туюлади, бироқ улар аслида ҳаракатга келтирувчи сузгич пуфаклар. Унинг шохларига ўрнашиб олган қисқичбақа ва моллюскалар ажойиб манзара ҳосил қилади.

Бундан ташқари, Саргассо денгизининг "соҳиллари"дан бири — йирик Голфстрим оқими илиқ тропик сувни шимолга элтади. Бу бамисоли Атлантика океанидаги улкан дарёни эслатади, лекин у Ер юзидаги барча дарёлар суви миқдоридан 20 ҳисса кўп сув ташийди. Ушбу денгиз ва яна бошқа оқимлар океаннинг шимолий яримшардаги "марказий иситгичи" вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Мурманск порти Шимолий Атлантика оқими олиб келаётган илиқ сувлар туфайли қаҳратон қишда ҳам музлаб қолмайди. Яна бир қизиқарли маълумот, денгиз оқими йўналишига Ернинг айланиш кучи катта таъсир кўрсатади: оқимлар Шимолий ярим шарда ўнгга, Жанубий ярим шарда чапга бурилади.

Денгиз сувининг ҳарорати унинг сатҳига қуёш нурининг тушиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам тропик ўлкаларда кун тик келган вақтда сувнинг ҳарорати 30°С гача кузатилиши мумкин. Океанларда сувнинг доимий айланма оқими мавжуд. Денгиз сувининг ҳарорати +2 °С дан +5 °С гача бўлади. Унинг ҳарорати кескин пасайгандан сўнг муз бўлаклари сув юзасига қалқиб чиқади. Денгиз сувидаги кислород миқдори, аввало, унинг тубида ўсадиган ўсимликларга боғлиқ. Кундуз куни ўсимликлар фотосинтез жараёни орқали кислород ишлаб чиқаради ва денгиз ҳайвонлари керакли кислород билан таъминланади. Кечаси фотосинтез жараёни тўхтайди, ўз-ўзидан кислород ҳам ишлаб чиқарилмайди. Тадқиқотларда аниқланишича, глобал исиш сув сатҳидаги кислороднинг кескин камайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

«ДЕНГИЗ – БИЗНИНГ ДАЛАМИЗ»

Балиқчилар орасида «Денгиз — бизнинг даламиз», деган ибора кўп учрайди. Ер куррасидаги барча жонли мавжудотнинг ярмидан кўпи, хусусан, инсон истеъмол қиладиган маҳсулотларнинг катта қисми айнан денгизда кўпаяди. Сўнгги тадқиқотларда денгиз маҳсулотлари истеъмоли охирги 50 йил ичида икки марта ошганлиги маълум бўлди. Бугунги кунда 3,5 миллиарддан ортиқ киши денгиз ва океан маҳсулотлари билан озиқланади. Кейинги 20 йил ичида эса бу кўрсаткич яна икки баробарга ортиши кутилмоқда. Бу денгиз неъматларидан оқилона фойдаланиш, йўқолиш арафасида турган сувда яшовчи жониворлар ва ўсимликларни асраб-авайлашга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Шу мақсадда 2013 йили БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан «AppliFish» дастури ишлаб чиқилди. Дастурда балиқларнинг йўқолиб бораётган турларидан ташқари 550дан ортиқ денгиз ҳайвонлари ҳақида маълумот мавжуд. Шу сабабдан ҳам ўзини табиатни асрашга масъул деб ҳисоблаган истеъмолчилар фақатгина ушбу рўйхатга киритилган денгиз инъомларидан тановул қилишлари мумкин. Қўшимча маълумот сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки, мазкур дастур ўтган йилнинг 6-7 март санасида Брюсселда Интернет ресурсларининг координатаси бўйича ўтказилган 10-йиғилишда махсус мукофот билан тақдирланган.

Бироқ кўрилаётган кенг қўламли чораларга қарамасдан инсоният томонидан сув ости дунёсининг қириб юборилиши билан бирга сувнинг жадал ифлосланишига йўл қўйилаётгани ҳам кузатилмоқда. Ҳар йили елим идишлар бир миллионга яқин денгиз қушларининг, 100 мингга яқин денгиз сутэмизувчиларининг ва сон-саноқсиз балиқларнинг умрига зомин бўлмоқда. Мазкур пластмассалар экотизимда сақланиб қолади ва биосферадан йўқ қилиб юборилмагунча салбий таъсирини тўхтатмайди. Денгиз ифлосланишида асосий белги берувчи воситалардан бири бу форел балиғи ҳисобланади. Унинг ҳаёт кечириши учун кислород билан тўйинган тоза сув зарур. Мабодо улар бирор-бир сув ҳавзасидан йўқолиб қолса, бу сувга зарар етганидан дарак беради.

Сув жуда катта энергия манбаи. Шу боис кўпгина дарёларда энг арзон электр энергияси берувчи қатор ГЭСлар барпо этилмоқда. Баренц денгизида қурилган электрстанцияда сув қалқиши натижасида электр энергияси олинади. Шунингдек, Испаниянинг «Ибоердрола» энергетика компанияси олимлари денгиз оқимларидан электр энергияси олишга қаратилган тажрибани амалга оширишга киришган. Тажриба мақсадида денгиз оқими кучли бўлган Шотландия яқинидаги Оркни ороли танланиб, сув ости кемасига ўхшайдиган қурилма 40 метр чуқурликка туширилган. Агрегат томонидан ҳосил қилинган электр энергиясини қуруқликка ўрнатилган генераторлар қабул қилади.

Бугунги кунга келиб инсоният сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида жиддий бош қотирмоқда. Сабаби, сув барча даврларда ҳам ҳаёт манбаи сифатида қадрланиб келинади. Кўпгина соҳалар ривожига ҳисса қўшаётган мовий денгизларни асраб-авайлаш ва уларга тўғри муносабатда бўлиш орқали инсоният энг аввало ўзини, қолаверса, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини глобал экологик муаммолардан сақлаб қолган бўлади.

Рамзиддин ШАРАПОВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали талабаси

Қизиқарли маълумотлар

- *Сув тубида жойлашган маржон қояларни миллионга яқин митти денгиз ҳайвонлари "бунёд этишади". Яъни уларнинг скелетлари бир жойга тўпланиб, аста-секин қояларни ташкил этади.*
- *Қадимда денгиз шиллиққуртларидан шоҳона кийимларнинг матосига ранг бериш мақсадида фойдаланилган.*
- *Саккизоёқнинг кўриш қобилияти табиатан кучли даражада ривожланган бўлса ҳам, унинг қулоқлари эшитмайди.*



2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

Тошкент давлат шарқшунослик институти хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, шунингдек, хорижий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда институтда 9 та бакалавриат йўналишлари ҳамда 11 та магистратура мутахассисликлари бўйича таълим берилади. Қуйида 2013-2014 ўқув йилида институтни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТошДШИ раҳбарияти республикамиздаги давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан мавжуд вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

2013-2014 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатаётган битирувчилар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар)		Битирувчилар сони			Қоракалпоғистон Республикаси			Андижон в.			Бухоро в.			Жиззах в.			Навоий в.			Наманган в.			Самарқанд в.			Сурхондарё в.			Сирдарё в.			Тошкент в.			Фарғона в.			Хоразм в.			Қашқадарё в.			Тошкент ш.			Бошқа давлатлар		
	коди	номи	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт
	а)	БАКАЛАВРИАТ	434	132	302	2	-	2	12	3	9	14	9	5	11	6	5	12	2	10	21	7	14	14	2	12	28	9	19	6	1	5	30	10	20	34	11	23	8	1	7	58	9	49	184	62	122	-	-	-
1	5220700	Шарқ мумтоз филологияси	25	10	15	1	-	1	-	-	-	1	1	-	1	-	1	-	-	-	4	2	2	1	-	1	-	-	-	-	-	-	5	2	3	1	-	1	-	-	-	3	1	2	8	4	4	-	-	-
2	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (араб, форс, турк, пушту, дарий, уйғур, япон, корейс, хитой, ҳинд, урду, индонез, малай, вьетнам)	129	31	98	1	-	1	2	-	2	8	5	3	2	1	1	3	-	3	6	1	5	5	1	4	2	1	1	-	-	-	11	3	8	7	-	7	1	-	1	13	1	12	68	18	50	-	-	-
3	5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	19	7	12	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	2	1	1	15	5	10	-	-	-
4	5120500	Фалсафа	27	9	18	-	-	-	2	-	2	1	-	1	-	-	-	2	-	2	-	-	-	-	-	-	2	1	1	1	-	1	4	2	2	2	1	1	-	-	-	5	3	2	8	2	6	-	-	-
5	5220300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	55	19	36	-	-	-	1	1	-	3	2	1	1	1	-	-	-	-	2	2	-	1	-	1	10	3	7	3	1	2	3	-	3	7	4	3	2	-	2	10	-	10	12	5	7	-	-	-
6	5120700	Жаҳон сиёсати	28	10	18	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	1	1	-	3	1	2	1	-	1	2	1	1	-	-	-	1	-	1	6	1	5	1	-	1	4	1	3	8	4	4	-	-	-
7	5341000	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	104	27	77	-	-	-	5	1	4	1	1	-	6	3	3	6	1	5	3	-	3	4	-	4	8	3	5	-	-	-	5	3	2	7	3	4	4	1	3	18	2	16	37	9	28	-	-	-
8	5342400	Кореяшунослик	23	10	13	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	1	1	1	1	-	3	-	3	-	-	-	-	-	-	3	1	2	-	-	-	1	-	1	13	7	6	-	-	-
9	5342500	Хитойшунослик	24	9	15	-	-	-	2	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	1	-	1	2	-	2	1	-	1	-	-	-	-	-	-	2	-	2	15	8	7	-	-	-
	б)	МАГИСТРАТУРА	141	30	111	2	-	2	3	-	3	3	-	3	1	-	1	-	-	-	4	1	3	4	1	3	7	1	6	2	1	1	7	2	5	4	2	2	3	2	1	10	2	8	90	18	72	1	-	1
1	5А220102	Лингвистика (тиллар бўйича)	25	3	22	1	-	1	1	-	1	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	2	1	1	-	-	-	-	-	-	-	19	2	17	-	-	-
2	5А220101	Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)	5	2	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	2	3	-	-	-
3	5А220101	Адабиётшунослик (адабий манбашунослик ва матншунослик)	6	2	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	5	1	4	-	-	-
4	5А120103	Мумтоз филология (турлари бўйича)	10	2	8	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	7	1	6	-	-	-
5	5А120201	Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари)	6	1	5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	6	1	5	-	-	-
6	5А220501	Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)	6	2	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	1	-	1	-	-	-	1	1	-	-	-	-	3	1	2	-	-	-	-	-	-
7	5А231001	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	44	11	33	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	1	1	1	-	1	2	2	-	2	1	1	35	7	28	-	-	-
8	5А220302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)	11	4	7	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	1	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	6	2	4	-	-	-
9	5А120701	Халқаро муносабатлар	19	2	17	1	-	1	-	-	-	2	-	2	-	-	-	-	-	-	1	1	-	2	-	2	1	-	1	-	-	-	1	-	1	1	-	1	-	-	-	3	-	3	6	1	5	1	-	1
10	5А220304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича)	9	1	8	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	3	-	3	-	-	-	1	-	1	-	-	-	1	-	1	2	-	2	1	1	-	-	-	-

КЎКЛАМ БЕРГАН БЕЛГИЛАР

Қуёш ботгач, кўршапалакларнинг тинмай учиши — ҳаво очиқ бўлишидан дарак беради.

* * *

Мушук сув олдига бораверса, кўпроқ сув ича, ҳаво айнийди; кулала бўлиб ётса — ёмғир ёғади, чалқанча ётса — ҳаво юришиб кетади, ҳадеб деворни тимдалайверса, ҳавонинг авзойи бузилади.

* * *

Товуқлар баландроқ жойга чиқиб, патларини тозаласа, ёмғир кутиш мумкин.

* * *

Товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир тез орада тинади.

* * *

Қуёш чиқишидан олдин эсган қаттиқ шамол ва қора булут — ёмғир аломатидир.

* * *

Қуёш кечқурун булутлар орқасига ўтиб ёки қоратмир-қизариб ботса, яъни шафақ тўққизил бўлса, эртасига ҳаво очиқ бўлади.

* * *

Ой ўтов тикса — ҳаво айниши эҳтимолдан холи эмас.

* * *

Кечга томон шамол кучайса, ҳаво айнийди.

* * *

Уфқда чанг-тўзон кўтарилиб, қалдирғочлар паст уча бошласа, шамол эсиб, ҳаво айниши мумкин.

* * *

Эрта баҳорда яшин бўлиб, момоқалдироқ овози эшитилмаса, ёз қуруқ келади.

* * *

Қушлар дарахт ёки айвонларнинг офтобрў томонига ин қура бошлаши — салқин ёздан нишона.

* * *

Қанотли чумоли чиқса, ёмғир ёғиши кутилади.

* * *

Ёмғир томчисидан сувда пуфакчалар ҳосил бўлиши ёғингарчиликнинг анча узоқ давом этишини билдиради.

* * *

Шиддат билан ёққан йирик ёмғир тезда тўхтайди, шивалаб ёққан ёмғир узоқ давом этади.

* * *

Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш чарақлаб турганида момоқаймоқнинг тангадек олтинранг гулсаватчалари юмилиб қолса, бу ёмғир ёғишидан нишона. Ҳавонинг авзойи бузуқ кўринса-да, лекин момоқаймоқнинг тилларанг гуллари ўзларини намойиш этиб тураверса, ёғингарчилик бўлмайди.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Ривоят

Кўклам кунларининг бирида Султон Ҳусайн саройда ёлғиз ўтиравериб, зерикиб кетибди-да, анча вақтдан бери Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб ҳолидан бир хабар олиб келай деб, дўсти яшайдиган маҳаллага йўл олибди.

Бориб қараса, Мир Алишер енг шимариб боғида ишлаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳусайн отидан тушиб, дўсти билан сўрашгач:

— Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кўринмай қолдингиз десам, боғбонликни пеша қилибсизда! — дебди.

Мир Алишер ҳам белбоғи билан пешонасидаги терини артар экан:

— Кўклам келса кўчат эк, деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олмаларни қўпориб ташлаб, ўрнига уч-тўрт туп ёнғоқ экяпман, — деб жавоб берибди.

— Эй дўстим-эй, қариган чоғингизда боғ қилишнинг сизга нима кераги бор, ахир? Сиз билан мен ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак, бу ёнғоқларингиз қачон ҳосилга кира-ди-ю, сиз қачон мевасидан ейсиз? Охир умрингизда мана шу боғдаги меваларнинг борига қаноат қилиб, соя-салқинда тинчгина ғазал битиб ўтиравермайсизми?

— Дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, мана шу маҳалламиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким, уларнинг ҳам болалари учун экяпман. Бир кун келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дарахт бўлиб ҳосил бера бошласа, одамлар унинг мевасидан тотиб кўришганда, «Бу боғ Мир Алишердан қолган!» дейишса, шунинг ўзи менга ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдур, — деб жавоб берибди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳусайн Мир Алишернинг саховатига қойил қолиб, унга бир ҳамён тўла тилла чиқариб берибди. Мир Алишер тиллага қараб туриб:

— Ана кўрдингизми, дўстим! Экаётган кўчатларим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади, — дея кулиб кўйибди.

Султон Ҳусайн Мир Алишернинг ҳозиржаволлигига яна бир бор қойил қолган экан.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ҚОРОЛТИ

Маърифатдаги даражаларини бири-биридан ортиқ кўймоқчи бўлган кишилар учун мана шундай масал тўқилган:

Бир киши шогирдлари билан бирга тимқоронғи кечада бир зарурат учун йўлга чиққан, йўл устида тик турган бир қоролтига кўзлари тушган, унинг ҳақиқатини билишга кеча қоронғуси тўсқинлик қилган. Шунда ҳалиги киши шогирдларига қараб қоролтининг нима эканини сўраган. Биринчиси билолмайман деган. Иккинчиси, нима эканини билолмайман ва билишга қудратим ҳам етмайди, деган. Учинчиси эса, билишнинг фойдаси йўқ, чунки тонг ёриса, у нарса маълум бўлади-кўяди, агар кўрқинчли нарса бўлса, тонг отиши билан йўқ бўлади, агар кўрқинчли нарса бўлмаса, унинг аҳволи бизга равшан бўлади-кўяди, деган.

Демак, уч шогирдининг маърифати қисқалик қилди. Биринчиси — илмсизлиги сабабли, иккинчиси — ожизлиги сабабли, учинчиси — ишни кейинга қўйиши ва илмсизликка рози бўлиб туриши сабабли маърифатда қисқалик кўрсатди. Аммо тўртинчиси аниқ билмасдан туриб жавоб бермади, ўша қоролтини мўлжаллаб яқин борганида бир-бирига чирмашиб кетган қовоқ палагини кўрди. Шунда у шогирд тирик ва ихтиёри ўзида бўлган инсоннинг ўша чирмашган нарса маълум бўлгунича турган жойида қолмаслигини тушунди ва қоролтининг жонсиз нарса эканини аниқлади. Сўнгра унинг бирон тўкиндихона учун тикланган иҳота эканига инонмай шубҳаланди ва яқинига бориб тепиб юборган эди, иҳота йиқилиб тушди, унинг иҳота эканига шогирднинг шубҳаси қолмади; бу шогирд устозига аниқ хабар келтирган эди, устози ҳузурида маърифат қозонди.

ДОНИШМАНД ШОҲ

Қадимда эронликларда даймоҳ ойининг биринчи кунини хуррам кун деб аташар экан. Шу куни подшоҳ шоҳлик тахтидан тушиб, оқ кийимлар кияр ва саҳрода оқ полосларда ўтирар экан. Юзидаги парда ва подшоҳлик кийимларини ечиб, оддий фуқаро кийимида кўчага чиқар экан. Шоҳ ўша куни ўзини эл-юртдаги аҳволни билиш, одамлар билан гаплашиш учун уларни бошқа ишлардан бўшатиб қўяр экан. Кимда-ким подшоҳ билан бирор нарса ҳақида гаплашмоқчи бўлса, у хоҳ юқори табақадан, хоҳ қуйи табақадан бўлсин, тортинмай унга яқин бориб сўзлашар экан.

Шу куни подшоҳ деҳқон ва корондалар билан овқат ер экан. У фуқароларга қараб:

— Бугун мен сизларнинг бирингиз ва биродарингизман. Чунки дунё сизнинг қўлингизда вужудга келадиган ободонлик билан, ободонлик эса подшоҳлик биландир, бу иккиси бир-бирига муҳтождир. Шундай бўлгач, биз бир-бирига меҳрибон икки биродар сингаримиз, бу биродарлик бир-бирига меҳрибон икки биродар Хушанг ва Вокарддан содир бўлган, — дер экан.

БАҲОР ҚЎШИҚЛАРИ

ҲАЛИНЧАК

Ҳалинчак, ҳо ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак,
Салтлигини соғинган,
Келинчаклар куйинчак.
Ҳалинчак, ҳо ҳалинчак,
Учавергин келинчак.

Кўзга сурма ярашар,
Қўш чаккага қўш чечак.

Бойга чопон бичдингми,
Тушда айрон ичдингми?
Бойни қўйга жўнатиб,
Ҳалинчакда учдингми?

Келинчак, ҳо, келинчак,
Уйқунг бузсин «инга»лар,
Эртаму кеч беланчак,
Олиб келсин янгалар.
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак.

ҲЕЙ, ЛОЛА

Лолачага ишим бор, ҳей лола,
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола,
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола,
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Том устида пиёла, ҳей лола,
Ичи тўла гул лола, ҳей лола,
Нари туринг бўз бола, ҳей лола,
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей лола,
Ўрдак кетиб ғоз қолсин, ҳей лола,
Душман кетиб дўст қолсин, ҳей лола.

Югур-югур мен турай, ҳей лола,
Бошингни гулга ўрай, ҳей лола,
Сенга келган балога, ҳей лола,
Ўзим кўндаланг бўлай, ҳей лола.

Ғафур ҒУЛОМ

ГУЛХОНА

Ўртача гиламдек гулхона қилсанг,
Кекса атиргуллар ёнига яна,
Бир бош садарайҳон оқу жигарранг,
Бир тутам жамбилу қатма-қат хина,
Итоғиз, бўтакўз, гултожихўроз,
Гулбеор, чиннигул ва чўпкачизар
Экиб қўя олсанг бўлар жуда соз,
Четига чим боссанг чаманни безар.

Режа олмоқ учун ўткир дид лозим,
Ранглар танламоққа бўлгил капалак,
Чаманга қиз сочи майин ҳид лозим,
Буни боларидан ўрганмоқ керак.

Келин ўксимасин, ариқ лабига
Отқулоқ ўсмадан анча экиб бер,
Ош кўки соча бер ернинг намига,
Кўкламдай ҳимматинг яхлит тўкиб бер.

Чамандан уч қадам кўланка бурчак
Ўн киши сиққудай битта сўри қур,
Сўрига чирмашсанг гул ишқи — печак,
Ана ундан кейин гулзор гаштин сур.

Гулхонанг агар-чи, гиламдай кичик,
Аммо мазмунида Ватан яширин,
Ўкраган ҳидлари ҳаётдай сучук,
Тинчлик замонида ҳар нафас ширин.

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

СПОРТ ФОРМУЛАСИ:

ТЎҒРИ ҲАРАКАТ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ ВА САЛОМАТЛИК

Кайфиятингиз қандай? Аъло дейсизми? Ўзим ҳам шу жавобни кутгандим. Спорт билан шуғулланганлар доим хурсанд юришади. Чунки, дунёдаги энг катта бойлик — саломатлик уларнинг доимий ҳамроҳи.

— Тирик жон борки ҳаракатда. Ҳаракат — ривожланиш, гўзаллик омили, — дейди Нукус шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Тўлибой Арзибеков. — *Оқмай қолган сув айнийди, темир ишлатилмаса занг босади, ҳаракатланмаган одам касал бўлади.*

Жисмоний тарбия дарсларида болаларга спортнинг нечоғли аҳамиятлилиги, шуғулланиш сирлари, тўғри ҳаракатланиш техникасини ўргатиб борамиз. Албатта, ҳар қандай фаннинг шиори бўлмиш поғонама-поғона назариясига таянган ҳолда, оддий машқлардан мураккабга ўтилади. Чунки болаларга бирданига қийин вазифа берилса салбий таъсир қолдириши, буни қабул қила олмаслиги мумкин. Масалан, югуриш машқларини бажаришда биринчи кун ўттиз, кейин олтмиш, юз метрга қараб аста-секинлик билан масофа кўпайтириб борилса, самараси яхши бўлади. Иккинчидан, югуришни бошлаганда аста югуриш ва бориб-бориб кучланиш, масофани босиб ўтганда бирдан тўхтамасдан бироз юриш орқали танани мувозанатга келтириш керак. Чунки организм қўққисдан қилинган ҳаракатга мослаша олмайди. Спортда тартиб-қоидаларга риоя қилиш шарт. Бусиз кўзланган натижага эришиш мумкин эмас.

Тўлибой Арзибеков болалигидан спортга дўст тутинди. Уни тўғри йўлга бошлаган, қийин вазиятларда яқин кўмакдош бўлган дўсти билан бошқаларни ҳам дўстлаштиргиси келарди. Мактабни тугатгандан сўнг ана шу мақсад йўлида дастлабки қадамни қўйди. Нукус шаҳар педагогика коллежининг жисмоний тарбия бўлимида ўқишни давом эттирди. 2009 йили эса Қорақалпоқ давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини муваффақиятли тугатиб, ҳозирги кунда ўзи ўқиган мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишламоқда.

— Шогирдларимнинг ғалабаси мени кўпроқ завқлантиради, — дейди Тўлибой устоз. — Чунки ҳар қандай мураббийнинг меҳнати самараси у тарбиялаётган ёш авлоднинг эришган ютуқлари билан ўлчанади.

Мактаб ўғил-қизлари ҳар йили шаҳар, республика миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келишмоқда. Мария Лемзякова 2011 йили март ойида 1997—1998 йилларда туғилган ўқувчи қизлар ўртасида Хоразмда ўтказилган "Баҳор маликалари" мусобақасида 1-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, 2012 йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичида енгил атлетика бўйича 2-ўринга сазовор бўлди. «Обод турмуш йили»га бағишлаб югуриш бўйича ўтказилган турнирда Азиз Шакуров Қорақалпоғистон Республикасида 1-ўринни эгаллади.

Имконият бор жойда изланиш бўлиши сўзсиз. Мазкур мактаб 2009 йилда қайта реконструкция қилинган бўлиб, ўқувчиларнинг кўнгилдагидек таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Турли фан тўгаракларининг қатори, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўнга яқин спорт тўгараклари фаолият юритмоқда.

Енгил атлетика билан мунтазам шуғулланиб келаётган Тўлибой унинг афзалликлари ҳақида шундай дейди:

— Енгил атлетика юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш кабиларни ўз ичига олади. Шундан югуриш — жисмоний машқнинг кенг тарқалган тури бўлиб, ўз навбатида барча спорт турларининг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, футбол, баскетбол, волейбол, теннис, қўл тўпи ва бошқалар. Енгил атлетикада югуришнинг енгил югуриш, тўсиқлар оша югуриш, эстафетали югуриш ва табиий шароитда югуриш каби турлари бор. Эрталаб очиқ ҳавода югуришни канда қилмаслик муваффақият гарови.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Жиззах шаҳридаги 12-мактаб спорт зали қишин-ёзин ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда турли спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда мактабда ҳудуддаги 7-,12-,13-,17-,18-, 21-мактаб ўқувчилари ўртасида «Соғлом бола йили»га бағишлаб қўл тўпи бўйича мусобақа ўтказилди.

— Бу мусобақанинг бизда ўтказилганлиги тасодиф эмас, — дейди мактаб директори Абдуғафур Эркаев. — Мактабимизда бу спорт турига қизиқиш катта. Мен ҳам ёшлигимда шу спорт турига меҳрим бўлакча эди. Меҳнат фаолиятимни жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида бошлаганман. Шогирдларим қўл тўпи бўйича Республика чемпиони бўлишган. Ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда. Мактабимиз ёш спортчилари бали педагоглар томонидан намунали ташкил этилмоқда. Мавжуд 9та спорт тўгараги ўқувчиларнинг деярли барчасини қамраб олган. Режа асосида ўғил болалар билан алоҳида, қизлар билан алоҳида машғулотлар ўтказилмоқда.

Тўгаракларда фаол ўқувчилар турли мусобақа ва тадбирларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ёш спортчилар «Умид ниҳоллари» мусобақасининг шаҳар босқичида 1-2-ўринни қўлдан бермай келишмоқда. Мактаб жамоаси иқтидорли спортчилар етишиб чиқаётганидан ҳақли равишда фахрланишади. Шахмат бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Юлдуз Ҳамроқулованинг издошлари кўпаймоқда. Мактабнинг собиқ ўқувчиси Назира Ҳамидова бир неча бор вилоят чемпиони бўлган. Қувончли томони шунда-

2014-yil — Sog'lom bola yili

ЧЕМПИОНЛАР ИЗДОШЛАРИ

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Ўқувчилик йилларида чемпионликни қўлга киритган ёш спортчиларнинг аксарияти жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб етишди. Илҳом Қораев, Бахтиёр Норматов каби жисмоний тарбия ўқитувчилари шулар жумласидандир. Айни дамда мактабда тажрибали мураббийлар қўл тўпини янада ривожлантиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Чемпионлар изидан бораётган мактаб ўқувчиларининг бу борада эришаётган ютуқлари қувонарли. 2012 йили Навоий шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ўқувчилар муносиб иштирок этдилар.

Мактабда 984 ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг 484 нафари қизлардир. 2009 йили капитал реконструкция қилинган ўқув масканида ўғил-қизларнинг замон талаби асосида билим олишлари учун зарур имкониятлар яратилган. Спорт зали ўқувчилар ихтиёрида, жисмоний тарбия дарслари тажриби, у шахмат бўйича «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларининг иштирокчиси. Ҳозир Жиззах давлат педагогика институти талабаси.

Нафақат мактабда, балки вилоятда шахматнинг ривожланишида тажрибали мураббий, «Шуҳрат» медали соҳиби Ўктам Ҳошимовнинг хизмати катта. Айни дамда у шахмат бўйича вилоят терма жамоаси мураббийи ҳам. Мактаб спорт зали ўқувчилар билан биргаликда ҳудуддаги Қалия, Сўлқли, Олмачи, Хайробод маҳалла ёшларига ҳам хизмат қилади. Спорт залида маҳалла ёшлари, айниқса, хотин-қизлар ўртасида турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Қишлоқ ёшлари ўртасида баскетбол, теннис, волейбол, футбол кенг оммалашаётир.

Ўқувчиларнинг спортда эришаётган ютуқлари уларнинг жисмонан баркамол, маънан етук инсонлар бўлиб етишишига замин ҳозирламоқда. Жисмонан соғлом ўғил-қизлар барча фанларни аъло баҳоларда ўзлаштиришмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

ОЧЛИК КОНИ ФОЙДА

Америкалик олимлар томонидан меъёрдаги очлик инсон организмига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди. Аниқланишича, бир ой ичида ҳеч бўлмаса бир кун оч юриш юрак хасталикларига чалиниш хавфини қарийб 50 фоизга камайтирар экан. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, айниқса, астма билан хасталанган кишиларнинг бир ойда бир маротаба куни билан оч юриши жуда фойдали.

Аслида озиқ моддаларнинг етишмаслиги инсон организмида стресс аломатларини юзага келтиради. Бироқ вақтинчалик оч юриш орқали саратон хасталикларидан инсон ўз организмини ҳимоялай олиши исботланди. Мутахассислар фикрига кўра, очлик орқали бундай натижага эришиш учун организмни тўлиқ бир сутка оч қолдириш шарт эмас. Бунга 10—15 соат ҳам кифоя қилади.

Маълумки, очлик озиш учун энг мақбул йўл, деган қараш бир мунча баҳсталаб. Диетологлар ортиқча вазндан халос бўлишда ҳаммага ҳам бу усулни тавсия қилишмайди. Аммо маълум муддат оч юриш озишнинг самарали усули, қачонки, овқатланиш рационига қатъий риоя этилса, қабул қилинаётган озиқ модда ва фойдали элементлар мувозанати меъёрида ушлаб турилса.

мебель ва бошқа жиҳозларга ўрнашиб қолган тамаки тутуни ҳидининг ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

Бунда, аввало, тамаки тутуни натижасида ҳосил бўлган моддалар инсондаги ДНКни шикастлайди. Албатта, учламчи чекишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири узоқ вақт давомида содир бўлишини таъкидлаш жоиз.

Бу ҳақида Америка кимё жамияти конференциясида (247th National Meeting & Exposition of the American Chemical Society) Берклидаги Лоуренс миллий лабораторияси тадқиқотчилари томонидан маълум қилинди. Олимларнинг сўзларига қараганда, «учламчи чекиш» атамаси илк бор 2009 йили фанга кириб келган бўлса ҳам, шу вақтга қадар бу борада бирор кўзга кўринарли тадқиқот олиб борилмаган. Чекиш вақтида ажралиб чиқувчи 4 мингдан зиёд зарарли моддаларнинг бир қисми кийимлар, бино ва жиҳозларда сақланиб қолади. Айрим моддалар эса озон ва азот оксиди сингари кимёвий фаол молекулалар билан реакцияга киришиб, янада заҳарли бўлган янги бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ана шундай хавфли моддалардан бири — NNA нитрозомин гуруҳига мансуб бирикма бўлиб, тамаки тутунидан ҳам ўта зарарли ҳисобланади.

Лаборатория шароитида олимлар ушбу моддаларнинг ДНК молекуласи билан бирикиши ва мутация жараёни ҳосил бўлишини кузатишди. Натижада ДНКда ҳужайраларнинг назоратсиз кўпайиши рўй берган. Бу эса саратон ўсмасининг ривожланишига олиб келади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, тамакидан болалар энг кўп азият чекишади. Негаки, улар сигарета чекилган хонадаги ўйинчоқларни ўйнаши, уларни оғзига солиши мумкин.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

УЧЛАМЧИ ЧЕКИШ — САРАТОНГА САБАБ

Мутахассислар томонидан олиб борилаётган изланишлар чекишнинг бир-биридан оғир асоратлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу вақтга қадар чекиш, пассив кашандаликнинг турли хасталикларга сабаб бўлиши ўрганилган бўлса, янги тадқиқотларда учламчи чекиш (инглиз тилида third-hand smoke, «учинчи қўлдан чекиш»), яъни кийимлар, девор,

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Шаахмедова Гавҳар Ахмаджоновна номига берилган O'R-Z №1422281 рақамли умумий ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори, педагогика фанлари доктори **Рустам АҲЛИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицей жамоаси «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси Иззатилла Раҳимовга отаси **Сайфулло РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицей жамоаси тарих фани ўқитувчиси Дилшод Камоловга онаси **МОМОГУЛ ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоалари институтнинг мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Шуҳрат Ҳамроевга отаси **Эли ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

2014-yil 26-mart, № 25 (8674)

ЯНГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида янги «Lokomotiv» маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди

Тошкент шаҳрини сўлим хиёбонлар ва боғларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар нафақат пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади, балки шаҳар аҳолиси, айниқса, болажонларнинг мириқиб дам олишига хизмат қилади.

«Lokomotiv» боғида ҳам катта ёшлилар бўш вақтини мароқли ўтказиши, болалар қувнаб ўйнаши учун барча замонавий шароитлар яратилган. Мазкур боғ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011—2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан барпо этилди.

Ям-яшил майсазор, турфа гул ва манзарали дарахтлар билан бурканган боғ бу ерга ташриф буюрувчиларга манзур бўлиши, шубҳасиз. Боғ марказидан ўтган сўлим хиёбон бўйлаб савдо шохобчалари, Пизан минораси, Сомонийлар мақбараси, Ғалаба аркаси, Тож Маҳал, Эйфел минораси каби дунёга машҳур меъморчилик обидаларига ўхшатиб барпо этилган иншоотлар жойлашган.

Боғ директори Роман Сайфуллиннинг айтишича, янги боғни барпо этишда мамлакатимизда технологик тузилишига кўра ўхшаши бўлмаган ва турли аттракционлар ўрнатилган маданий-кўнгилочар маскан қуриш мақсад қилинган.

Масалан, боғ ўзига хос алоҳида ҳудудларга ажратилган бўлиб, улар муайян дам олувчилар гуруҳи учун мўлжалланган. Бу ерда жами 32 замонавий аттракцион мавжуд. Шунингдек, мамлакатимиздаги энг баланд — 42 метрлик чархпалак ўрнатилган.

Юртимиздаги илк видеомусиқали фаввора барпо этилган майдон янги боғнинг асосий кўркидир. Фаввора дам олувчиларга ўзгача кайфият бағишлаш баробарида сув юзасида жойлашган 3D проекторида акс эттириладиган ажойиб шоудан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Шунингдек, бу ерда тошли боғ ва ҳовуз ташкил қилинган. Мамлакатимизда ягона «Профессионал қоя», «Арғамчи шаҳарча» ва «Ҳаво велосипеди» ҳам ўрнатилган.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама •

O'TISH BALLARI



Men MENING SHAHRIMni tanladim!

Sen-chi?

MENING SHAHRIM. TA'LIM — MENING REPETITORIM!

10 ta fan bo'yicha TESTLAR o'zbek va rus tillarida

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

mening SHAHRIM

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-326.
Tiraji 66235.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir: Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

1 2 3 5

ЎзА якуни — 21.00
Topshirildi — 21.40